Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 42 (8.626) ◆ 1995 йил 12 апрель, чоршанба Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ:

МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДАГИ ЯНГИ САҲИФА





11 апрель куни Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Роман Герцог давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Бу ташриф Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон давлат делегациясининг 1993 йил апрелида Германияга қилган сафарига ўзига хос жавоб ташрифи экани, Боннда ўтган музокаралар якунида яратилган ўзаро муносабатлар ҳуқуқий асосларини янада кенгайтириш мақсадида амалга оширилаётгани билан аҳамиятлидир.

Ташриф чоғида имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат ўртасида турли соҳаларда кенг ҳамкорлик йўлга қўйилишига имкон яратди. Мамлакатларимиз парламентлари, ташқи сиёсат маҳкамалари, ҳуқуқ-тартибот органлари ўртасида ўрнатилган алоқалар фикримиз далилидир. Бундан ташқари, мамлакатимиз вилоятлари ҳам бевосита иқтисодий хўжалик алоқаларини мустаҳкамлаш, Шарқий Германияда ўтказилаётган ислоҳотлар тажрибаларини ўрганиш мақсадида ГФР федерал ҳудудлари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Икки мамлакат халқаро ва минтақавий ташкилотлардаги биргаликдаги фаолиятларини мувофиқлаштирган ҳолда амалга оширмоқдалар. Германия минтақадаги обрўли давлат сифатида Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан манфаатли алоқалар ўрнатишига кўмаклашаётир. Ўзбекистон эса, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорлик ҳукм суришини таъмин этишда муҳим ўрин тутадиган мамлакат бўлиб, Германия Федератив Республикасининг Марказий Осиёга нисбатан янги ташқи сиёсати амалга оширилишида ҳамкор бўлаётир.

Германия Федерал Президентининг Ўзбекистонга ташрифи ана шу сабабли ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Германия Федератив Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Федерал Президент Роман Герцог ва унинг рафиқасига Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан пешвоз чиқдилар. Миллий либосдаги қизлар юксак мартабали меҳмонларга Ўзбекистон заминининг анвойи гулларини ҳадя этди.

Президентлар Ислом Каримов ва Роман Герцог махсус шоҳсупага кўтарилди. Германия Федератив Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳиялари янгради. Икки мамлакат Президентлари миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтдилар.

Аэропорт биносида меҳмонлар хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари билан саломлашди. Сўнгра президентларнинг расмий делегация аъзолари билан танишув маросими бўлди.

Шу ерда Президент Ислом Каримов ва Федерал Президент Роман Герцог қисқа муддат суҳбатлашдилар.

Германия Федератив Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроқлари рамзи ўрнатилган автомашиналар карвони пойтахтимиздаги шеърият султони ва давлат арбоби Алишер Навоий номи берилган Миллий боғ томон йўл олди. Байрамона безатилган Тошкент кўчаларидаги халқлар дўстлигини улуғловчи, азиз меҳмонларни қутловчи ўзбек ва немис тилидаги битиклар шаҳар кўркига кўрк қўшган. Минглаб шаҳарликлар ва пойтахт меҳмонлари Роман Герцог ва у раҳбарлик қилаётган делегацияни олқишлади.

***

Германиялик мўътабар меҳмоннинг Ўзбекистонга ташриф дастури Алишер Навоий боғида, буюк бобокалонимиз ҳайкали пойига гуллар қўйиш билан бошланди.

Германия Федерал Президенти Роман Герцог Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида буюк шоирга ҳурмат ва эҳтиром бажо этди. Бу ерда тўпланган жамоатчилик вакиллари икки мамлакат раҳбарларига бўлажак музокараларда муваффақият тиладилар, дўстлик ришталари янада мустаҳкамланишига умид билдирдилар.

Пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги саройи мўътабар қадамжолардан бири бўлиб бормоқда. Исми-жисмига мос бу масканда Ўзбекистон халқи билан турли мамлакатлар халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталари боғланаётир. Президент Ислом Каримов меҳмонлар бир оз дам олганларидан сўнг Германия Федерал Президенти Роман Герцогни ушбу муҳташам сарой олдида қарши олди. Бу ерда икки давлат расмий делегациялари ўртасида кенгайтирилган таркибдаги музокаралар бошланди.

Музокараларда Ўзбекистон билан Германия ўртасида иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Расмий музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасида муносабатлар асослари тўғрисидаги Қўшма баёнот, шунингдек, фуқароларнинг ўзаро эркин борди-келдилари ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги немис ҳарбийлари қабрлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Бу ҳужжатларга Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов ва Германия Федератив Республикаси давлат котиби, ташқи ишлар вазири ўринбосари Вернер Хойер имзо чекдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Германия Федерал Президенти Роман Герцог журналистлар билан учрашиб, уларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шу куни Германия Федерал Президенти Роман Герцог шарафига қабул маросими уюштирди.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ, (ЎзА).

С. Зуфаров олган суратлар.

БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

❑ Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Индонезия Президенти Сухарто 10 апрель куни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ҳамроҳлигида Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлганидан сўнг сафарини ниҳоясига етказиб Ашхободга учиб кетди.

❑ Варшавадаги Шарқ клуби президенти А. Будимэко ва Россия саноатчилар ва тадбиркорлар халқаро конгресси президенти А. Вольский Ислом Каримовни президентлик ваколатлари муддати 2000 йилгача узайтирилганлиги муносабати билан самимий қутладилар.

❑ Бугунги кунда республика пахта далаларида 10 мингта чигит экиш агрегати юксак унум билан ишламоқда. Андижон вилояти пахтакорлари ерга уруғ қадашни ниҳоясига етказмоқдалар. Чигит экиш Бухоро, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида ҳам жадал олиб борилмоқда.

❑ Тошкентдаги Успенский номли республика мусиқа мактаби 3-синф ўқувчиси, 9 ёшли пианиночи Гулнора Мирзаахмедова Германиянинг Гёттенген шаҳрида бўлиб ўтган Шопен номидаги халқаро мусиқачилар танловининг фахрий дипломини олишга сазовор бўлди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Тожик—афғон чегарасининг Памир участкасидаги вазият ғоят кескинлигича қолмоқда. Кеча Душанбеда бу ерда 7-9 апрель кунлари жангарилар билан бўлиб ўтган жангларда ҳалок бўлган 26 нафар рус, қозоқ ва тожик чегарачиларини дафн этиш маросими бўлиб ўтди.

❑ Туркманистон жаҳон ҳамжамияти мамлакатларига бу республикага Швейцариядек бетараф давлат, деб қараш даъвати билан мурожаат қилди.

❑ Москвада Россия билан Албания Бош вазирлари ўртасида ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш юзасидан музокаралар бўлиб ўтди.

❑ Талас шаҳрида Қирғизистон Президенти Асқар Ақаев ҳамда мамлакат турли партия ва ҳаракат раҳбарлари республикада ўзаро тотувликни таъминлаш юзасидан Манас декларациясини имзоладилар. Бу декларация машҳур қирғиз «Манас» достонининг 1000 йиллиги муносабати билан қабул қилинди.

❑ Беларусь Президенти Александр Лукашенко мамлакат Олий Кенгаши унинг 14 май куни бўлиб ўтадиган референдум варақасига киритган тўрт саволидан учтасини тасдиқламаганлиги сабабли парламентни тарқатиб юбориши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди.

❑ Фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан илк бор таъсис этилган Жуков ордени биринчилар қатори 8 май куни Россия Президенти Борис Ельцин ва саркардаларга топширилиши маълум қилинди.

❑ Россия парламентининг қуйи палатаси — Давлат думаси мамлакатда муддатли ҳарбий хизматни бир ярим йилдан икки йилга узайтириш, ҳарбий хизматга олий ўқув юртларини тугаллаган йигитларни ҳам чақириш тўғрисида амалдаги қонунга ўзгартишлар киритди. Лекин бу қоидалар кучга кириши учун қонунга ушбу ўзгартишлар парламентнинг юқори палатаси — Федерация Кенгаши ва мамлакат Президенти томонидан тасдиқланиши керак.

ХОРИЖДА

❑ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши ядросиз мамлакатлар хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Унга мувофиқ ядро қурол-яроғларига эга давлатлар — АҚШ, Россия, Буюк Британия, Хитой, Франция зиммасига ядро қуролларини биринчи бўлиб ядросиз мамлакатларга нисбатан ишлатмаслик мажбурияти юкланди.

❑ Японияда маҳаллий ҳокимият органларига бўлиб ўтган сайловлар «оҳиста сиёсий инқилоб», деб баҳоланди. Бу сайловларда мустақил номзодлар мамлакатдаги ҳукмрон ва муҳолифатчи сиёсий партияларнинг вакилларини қақшатқич маглубиятга учратдилар.

❑ Теҳронда Эрон, Туркманистон ва Украина ташқи ишлар вазирлари ушбу уч мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга оид аҳдлашувни имзоладилар. Унда асосан Туркманистон табиий газини Эрон ва Украинага етказиб беришни кўпайтириш кўзда тутилган.

❑ АҚШ қишлоқ хўжалиги маълумотларига кўра, Россияда чорва моллари сони кескин камайиб кетганлиги сабабли бу мамлакат хориждан гўшт харид қилишни ўтган йилдагига нисбатан учдан бир бараварга кўпайтириб, 500 минг тонна гўшт импорт қилади. Бу эса жаҳон бозорида гўшт нархи ошишига сабаб бўлиши мумкин, деб тахмин қилинмоқда.

❑ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, 1994 йилда аҳоли жон бошига ичилган соф спирт миқдори Россияда ўртача 14,5 литрни, Францияда — 13, Финляндияда 6 литрни ташкил этибди.

САМИМИЙ ТАБРИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги ваколатларингиз муддати узайтирилгани билан Сизни табриклайман. Бўлиб ўтган Референдум якунлари мустақил Ўзбекистон аҳолиси Сиз ўтказаётган ўзгаришлар йўлини кенг қўллаб-қувватлаётганини ишонарли тарзда намойиш этди. Мамлакатимиз ўртасидаги дўстлик, ҳар томонлама ҳамкорлик, яқин шериклик муносабатлари Россия ва Ўзбекистон халқларининг бахт-саодати, унинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, халқаро тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида бундан буён ҳам ривожланаверишига ишонаман.

Ҳурмат билан,

Борис ЕЛЬЦИН,
Россия Федерацияси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАРТИБГА КЕЛТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Шу нарса қайд этиб ўтилсинки, қабул қилинган қарорларга қарамай, ташқи иқтисодий фаолиятда турли баҳоналар билан бартер (мавоза) операциялари ҳамон амалга оширилаяпти, улар бўйича номутаносиб тарздаги айирбошлаш ҳоллари мавжуд бўлиб, солиқларнинг ўз вақтида ва тўла ҳажмда келиб тушиши ҳамда валюта даромадининг бир қисмини мажбурий равишда сотиш таъминланмаяпти. Шу муносабат билан:

1. Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси (Гатаулин), Прокуратура (Мустафоев) 1994 йил ҳамда 1995 йилнинг биринчи чораги якунларига кўра ушбу масала бўйича ишларнинг аҳволини таҳлил этсинлар ва «Бартер» (мавоза) асосида амалга ошириладиган экспорт-импорт операцияларидаги бузғунчиликлар ва суиистеъмолларни бартараф этиш тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 9 июлдаги Фармонини бузганлик учун айбдорларни жавобгарликка тортиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

2. Юқорида айтилган Фармоннинг 2-бандига қўшимча қилиб шу нарса белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг рухсати билан истисно тарзидагина бартер (мавоза) бўйича экспорт-импорт операцияларига йўл қўйилади.

3. Бартер операцияларини амалга ошириш чоғида солиқ солиш мақсадларида маҳсулот жўнатилган кунни маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализация қилинган пайт деб ҳисоблансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, барча экспорт ва бартер шартномалари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида ва вакил қилинган банкларда қайд этилган шартномалар Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланадиган тартибда Бош божхона бошқармасида ҳисобга олиниши лозим.

5. Валюта даромадининг бир қисмини мажбурий сотиш бўйича белгиланган тартиб бузилган ҳолларда солиқ органлари айбдорларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган тартиб ва миқдорларда молиявий жазо чоралари ҳамда маъмурий жарималарни қўлласинлар.

6. Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда белгиланган тартибга риоя этилиши учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида давлат солиқ қўмитасининг, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг, вакил қилинган банкларнинг раҳбарлари огоҳлантирилсин.

7. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

8. Фармон эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 11 апрель

Мустақиллик мевалари

ЙИРИК ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Куни кеча «Ўзэкспомарказ» республика савдо-кўргазма марказида яна бир йирик халқаро тадбир — «Тиббиёт ва саломатлик — 95» деб номланган кўргазма ўз ишини бошлади. Унинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Саидмухтор Саидқосимов ва Буюк Британиянинг «Ай ти И» халқаро савдо ва кўргазмалар компаниясининг президенти Рожер Шашуалар ҳам республикамизда соғлом авлодни камол топтириш, экологик муаммоларни бартараф этиш борасида қилинаётган ишлар, хусусан мазкур кўргазманинг бу борадаги аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

«Тиббиёт ва саломатлик — 95» кўргазмасини айланар экансиз, унда намойиш этилаётган энг янги ва юқори самарали дори-дармонлар, тиббиёт асбоб-анжомларини кўриб кўзингиз қувнайди. Бу ерда Ўзбекистонда ўзининг мустаҳкам фаолиятини йўлга қўйган таниқли фирмаларни ҳам, энди ҳамкорлик алоқаларини ўрнатмоқчи бўлаётган тиббиёт компанияларини ҳам учратишингиз мумкин. Зеро, кўргазма давомида республикамиздаги барча тиббиёт, фармацевтика муассасаларидан келган вакиллар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари ўзларини қизиқтираётган масалалар бўйича хорижий фирмаларнинг вакиллари билан мулоқотда бўлиб, шартномалар тузишлари учун барча имкониятлар яратилган.

Кўргазма давомида айрим тиббиёт фирмаларининг Ўзбекистондаги фаолияти ва режалари билан ҳам қисқача танишдик.

«Берингер Ингельхайм Фарма» (Австрия) фирмаси дори-дармонлар ва минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, уларнинг ваколатхоналари пойтахтда 1993 йилда очилган. Фирма Ўзбекистонга ноёб дори-дармонлар етказиб бериш билан бирга тиббиёт маркетинги билан шуғулланади. Яъни ҳомий сифатида турли халқаро конгресслар, семинарлар ўтказиб Республикамизни замонавий даволаш усуллари ва тиббиётдаги янги тажрибалар, дори-дармон тўғрисида қимматбаҳо маълумотлар билан ҳам таъминлайди. Германиянинг «Интермел лабор медтех» фирмаси Ўзбекистонга ультратовушли монитор системалари, протезлар, сунъий буйраклар, карлар учун аппаратлар—хуллас бутун бир анжомлар мажмуини етказиб бермоқда. Бундан ташқари, фирманинг Марказий Осиёдаги вакили доктор Клаус Петер Гласнекнинг айтишича, халқаро «Экосан» жамғармаси билан ҳамкорликда Тошкентда аудиокабинет ва махсус лаборатория жиҳозланиб, бу ерда карлар учун аппаратлар йиғилади. Бунинг учун дастлабки 10 минг дона эҳтиёт қисмлар келди ва иш бошланиб кетди. Ҳозирда Ўзбекистон шароити учун мосланган ташхис қўядиган ультратовушли аппарат яратиш устида ҳам иш кетмоқда. Қандли диабетни даволаш борасидаги барча ихтиролар Даниянинг «Ново Нордиск» фирмасига тегишлидир. Тошкентда ваколатхонаси очилган, яқинда Европа кредити бўйича Ўзбекистонга 1,5 миллион долларлик инсулин дориларини инсонпарварлик ёрдами сифатида топширди. АҚШнинг «Дентсплай» концерни эса тиш даволаш ва сунъий тишлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, кўргазма давомида Ўзбекистонда ўзига шерик топиб, ўқув маркази бунёд этиш мақсадида музокаралар олиб бормоқда.

Ўйлаймизки, эртага ўз ишини якунлайдиган кўргазма давомида яна кўплаб чет эл фирмалари билан ҳар томонлама манфаатли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилади, қўшма корхоналар тузилади.

Йирик халқаро кўргазмага Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов ташриф буюрди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

СУРАТЛАРДА: «Тиббиёт ва саломатлик — 95» кўргазмасида.

Рустам Шарипов олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ БАЁНОТИ

Тожикистон-Афғонистон чегарасидаги вазият сўнгги кунларда яна кескин тус олди. Қуролли жангариларнинг Афғонистон ҳудудидан қилган ҳаракатлари натижасида Россия ва Қозоғистон ҳарбий хизматчилари орасида қурбонлар бор.

Ўзбекистон Республикаси тожик миллати ўртасидаги мулоқотни давом эттириш, миллий сулҳга эришиш ҳамда Тожикистонда мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш йўлида анча куч-ғайрат сарфлади.

Президент Ислом Каримовнинг Тожикистон муҳолифати раҳбарлари билан яқинда бўлиб ўтган учрашувида Тожикистон тушиб қолган оғир аҳволдан фақат сиёсий мулоқот йўли билан, ташқаридан бўладиган тазйиқларсиз, ўзаро муроса йўлларини излаш асосидагина чиқиш мумкинлиги таъкидланган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти мухолифатни мақсадга эришишнинг ҳарбий, жангарилик усулларидан воз кечишга чақириб, бу усуллар тожик миллатининг, Тожикистон халқининг манфаатларига мутлақо мос келмаслигини айтган эди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги МДҲга аъзо бўлган давлатларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти кўмагида тожик миллати ўртасидаги мулоқотни давом эттиришга қаратилган фаол саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб, муҳолифатни муаммони ҳал этишнинг ҳар қандай қуролли усулларидан тийилиб туришга чақиради ва бундай иғвогарлик тадбирларини қатъиян қоралайди.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 11 апрель.

«ПЎЛАТ ИЗ» БУНЁДКОРЛАРИ

Уйғур — Хўжаев—Хадра янги трамвай йўлини қуриш Ўзбекистон транспорт йўллари қурилиши уюшмасининг 704-қурилиш-монтаж поезди жамоаси зиммасига юкланган. Дастлаб Хўжаев кўчаси бунёд этилганидан сўнг ушбу кенг ва равон йўл атрофида яшовчилар учун қулайлик яратиш мақсадида бир нечта маршрутли автобуслар қатнови йўлга қўйилган эди. Лекин бу билан тобора гавжумлашиб бораётган кўчадан қатновчи йўловчиларнинг талаб ва истаклари тўла қонмади. Натижада ушбу кўчада трамвай қатновини йўлга қўйиш режалаштирилди. Шу ниятда йил бошидан кўчада бунёдкорлик ишлари авж олди.

704- қурилиш-монтаж поездининг Станислав Тетенов бошлиқ «пўлат из» созловчилари ишга киришдилар. Ҳозир бу объектда 30 дан ортиқ йўлсоз меҳнат қилмоқда. Улар зиммадаги вазифани ўз вақтида адо этиш учун ишни икки сменада олиб боришяпти.

— Созловчиларимиз шаҳримиздаги жуда кўплаб «пўлат из»ларни бунёд этишда қатнашишган,— дейди бизга ишбоши Андрей Хабибуллин.— Ушбу йўл қурилишида ҳам ўз касбининг усталари бўлган кишилар қатнашмоқдалар. Уларнинг кучи билан қисқа муддат ичида 3 километрлик масофагача ётқизилган ишлар бажариб қўйилди. Бу 50 фоиз юмуш адо этилди демакдир.

Янги трамвай йўлининг умумий узунлиги 5,5 километрни ташкил этади. Йўлсозлар Наврўз айёми кунигача шу йўлнинг 2,8 километрини битказишга аҳд қилишганди. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу режа ортиғи билан уддаланди. Албатта, «пўлат из»ни барпо этиш ҳар бир кишининг қўлидан келмайди. Бунинг учун маҳоратдан ташқари катта тажриба ҳам керак бўлади. Чунки изларни аниқ ва маълум ўлчамда мустаҳкамлаш учун киши бу касб сирларини пухта эгаллаган бўлиши лозим. Бу борада уста Михаил Личаниннинг олдига тушадигани йўқ. Мана бир неча йилдирки, шаҳримизнинг трамвай йўлларини узайтириш ишига у муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

— Ушбу йўл Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилиши керак,— дейди бизга Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси бош муҳандиси Шавкат Сулаймонов.— Бундан ташқари шаҳримизнинг Қамарнисо кўчасида бунёд этилаётган 2 километрлик трамвай йўли ҳам ҳамшаҳарларимиз хизматига шай қилиб қўйилган эди. Қорақамишни янги ТошМи билан боғловчи бу «пўлат из»лардан Наврўз байрами кунларида трамвайлар қатнай бошлади. Бу йўлсозларимизнинг баҳор байрамига муносиб совғалари бўлди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

СУРАТДА: Уйғур—Хўжаев—Хадра кўчаларини трамвай қатнови билан боғловчи йўл.



Пойтахтимиз истиқболи

«ПАХТАКОР» ИСТИРОҲАТ БОҒИ

Йўлингиз тушиб пойтахтнинг Ўзбекистон билан Абай кўчалари кесишган жойдан ўтиб қолсангиз, бу ерда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Бу бўлажак «Пахтакор» истироҳат боғидир. Хиёбон қурилиши мустақиллигимизнинг тўрт йиллиги арафасида фойдаланишга топширилиши кутилмоқда.

— Биз «Паркентсувқурилиш» трестиданмиз,— дея гап бошлади. 3-механизациялашган кўчма колонна иш юритувчиси Тамил Молдахонов.— Айни пайтда қурилиш ташкилотимиздан 28 та киши боғ қурилишида ишлашаяпти. Уларнинг ихтиёрида 3 та бульдозер, 2 та экскаватор, 1 та автокран ва бошқа техникалар бор. Вазифамиз бўлажак хиёбонда бунёд этиладиган сув ҳавзасини қуриш, боғнинг ичини текислаш ва махсус темирбетон сув ўтказиш шохобчаларини ишга туширишдан иборат.

Ҳозирги кунга келиб ишчиларимиз бўлажак сув ҳавзасидан 20 минг куб метр тупроқни машиналарга ортиб, махсус жойларга олиб бориб ташлашди. Бунда Янгибозордаги юк ташувчи автокорхона ҳайдовчиларининг ҳиссаси катта бўлди. Бу автокорхонадан ҳозирги кунда ҳам 4-5 та автотранспорт ишламоқда. Келгусида уларнинг сони 28 тага етади. Чунки айни пайтда ишчиларимиз хиёбоннинг ярмидан ортиқ ҳудудидаги эски пастқам уйларни бузиб, текислаб бўлди. Қолган уйларни ҳам бузиб, текислаш ишларида бу автотранспортлар бизга асқотади. Умуман истироҳат боғи Абай кўчаси бўйлаб Пахтакор метроси бекатигача узайтирилади.

Махсус темир-бетон сув ўтказгич шохобчаларини қуришни ҳам поёнига етказаяпмиз. Ҳозирги кунга келиб 700 метрдан ортиқ узунликдаги темир-бетон ариқлар қуриб битказилди. Ариққа Анҳор каналидан сув олиниши мўлжалланмоқда. Бу сув ўтказгич шохобчаси, биринчидан, юқори ёнлари бетонлаштириб, плиталанган сунъий ҳавзани сув билан таъминлайди. Иккинчидан, Абай кўчасининг нариги томонида жойлашган «Уқчи» маҳалласига сув етказиб беради.

Истироҳат боғи қурилишида яна иккита қурилиш ташкилоти ишлаётган экан. Уларнинг биринчиси Тошкент шаҳар йўл қурилиши трестига қарашли 3-қурилиш-таъмирлаш бошқармаси бунёдкорлари ҳозирда Ўзбекистон билан Навоий кўчаларини боғлайдиган йўлакни ўз вақтида ишга тушириш учун тер тўкишмоқда. Истироҳат боғи ичидаги ҳар хил йўлакларни бунёд этиш ҳам мана шу йўлсозлар зиммасига юкланган.

Хиёбон қурилиши билан бир қаторда бу ерда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бу вазифани «Ирригация» трестига қарашли 1-қурилиш-таъмирлаш бошқармаси қурувчилари амалга оширмоқдалар. Улар ҳозирги кунгача хиёбонда Украинадан махсус олиб келтирилган 260 та арғувон дарахти, 80 та арча, 40 та эман дарахтлари ҳамда 700 та атиргул кўчатларини ўтқазишга улгуришди. Шунингдек қурувчилар дарахт ва гулларни суғориш шохобчаларини йўлга қўйишга ҳам катта аҳамият беришмоқда. Ҳозиргача 600 метр узунликдаги ерга қувурлар ётқизилиб бўлинди.

Ғулом ЮСУПОВ.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси амал қилмоқда

МУСТАҚИЛ ЮРТИМИЗНИНГ ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ



5-модда. Ўзбекистон Республикаси Қонун билан тасдиқланадиган давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга.

Ҳар қандай мустақил давлат сингари Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз Олий давлат ҳокимияти томонидан белгиланган ва Асосий Қонунида мустаҳкамланган давлат рамзлари — Байроғи, Герби ва Мадҳиясига эга. Давлат рамзларининг мавжудлиги Ўзбекистоннинг амалда мустақиллиги ва эркинлигини яққол тасдиқлайди. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг рамзлари муқаддас бўлиб, уларни ҳар қандай йўл билан таҳқирлаш қонун билан жавобгарликка тортилади.

Давлат рамзлари ҳақида гапирар эканмиз, аввало уларнинг моҳияти, нима учун зарурлиги ва тарихий келиб чиқиши ҳақида ҳам билиб олиш керак. Шундагина уларнинг давлат ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти тушунарли бўлади.

Давлат байроғи — бу тавсифи қонун томонидан (кўпинча Конституция билан) ўрнатиладиган, бирор давлатни бошқа давлатлардан фарқловчи расмий белгиси, нишонидир. У давлат мустақиллиги, суверенитети рамзи ҳисобланади. Давлат байроқлари, уларнинг ранги, тузилиши ва эмблемалари ўзбошимчалик билан, ихтиёрий суратда белгиланмайди. Улар маълум рамзий аҳамиятга эга бўлиши керак.

Давлат байроқлари давлат муассасалари, элчихоналар, консулликлар, миссиялар, божхоналар ва шу каби идораларнинг биноси устига кўтарилади. Элчихоналар, миссиялар, консулликлар миллий байрамлари куни ўз мамлакатларининг давлат байроқларини осиб қўядилар. Давлат байроқлари шунингдек халқаро конференциялар очилишида, расмий маросим — учрашувлар вақтида, халқаро спорт совринлари берилаётган вақтида ва ҳоказо ҳолатларда ҳам юқори кўтарилади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи 1991 йил 18 ноябрда Олий Кенгаш томонидан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи муқаддас ва даҳлсиздир, у давлатимиз мустақиллигининг рамзий белгисидир. Қонунда кўрсатилганидек, байроғимиз халқаро майдонда — Ўзбекистон Республикаси делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳон кўргазмаларида, спорт мусобақаларида юқори кўтарилиб юртимизни улуғлайди. Республикамиз байроғи доимий суратда — Ўзбекистон Республикаси Президентининг маҳкамаси биносида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биносида, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати — Вазирлар Маҳкамасининг биносида, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва ҳукумати биносида, маҳаллий Кенгашлар ва республика доимий ваколатхоналари биноларида кўтарилади. Қонунда байроқ кўтариладиган жойлар ва унинг кўтарилиш вақтлари ёзиб қўйилган.

Конституциянинг 5-моддасида Ўзбекистон Республикаси ўз давлат гербига эга эканлиги ҳам эътироф этилган. Давлат герби ҳар қандай давлат мустақиллигининг рамзий белгиларидан бири ҳисобланади. Умуман герб тушунчаси немисча ёки полякча мерос деган маънодан келиб чиққан. Герб — бу тамға, эмблема, мерос бўлиб қолган, бир давлатни бошқалардан ажратиб турадиган белгиси, тамғаси, нишони — тимсолидир. Герб — бу қайси давлатга тегишли бўлса ўша давлатнинг тарихий анъаналарини ифодаловчи рамзий аҳамиятга эга бўлган тасвирлар ва нарсалар йиғиндиси.

1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши томонидан тасдиқланган герб давлатимизнинг сиёсий, миллий, хўжалик, жуғрофий, этнографик ва бошқа ўзига хос хусусиятларини ҳамда бой тарихий анъаналарини мужассамлаштирган. Шунингдек, гербимизда Ўзбекистоннинг ижтимоий ва давлат тузилиши тамойиллари ўзига хос тарзда ифода этилган.

Демак, Ўзбекистоннинг давлат герби ҳам давлат мустақиллигининг рамзи бўлиб, республиканинг расмий белгиси сифатида унинг муҳрига, бир қатор расмий давлат қоғозларига туширилади.

Ва ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5-моддасида кўзда тутилган яна бир меъёр — бу Ўзбекистоннинг ўз давлат мадҳиясининг мавжудлигидир. Дунёда ҳар қандай мустақил давлат ўз мадҳиясига эга. Умуман мадҳия ҳақида сўз кетар экан унинг қачон, қаердан ва нима сабабдан пайдо бўлганлигини билиб олиш муҳим. Мадҳия — гимн грекча сўздан олинган ибора бўлиб, у дастурий характердаги шеърни тантанали қўшиқ қилиб тараннум этилиши маъносида қўлланилади. Мадҳияларнинг бир неча турлари мавжуд. Масалан, давлат, инқилоб, ҳарбий, диний ва ҳоказо мадҳиялар бор. Буларнинг ичида энг асосийси давлат мадҳияси ҳисобланади.

Давлат мадҳиялари ҳозирги замон барча мустақил давлатларида мавжуд бўлиб, у давлат байроғи ва давлат герби билан бир қаторда давлатнинг расмий тантанавор рамзи бўлиб ҳисобланади. Худди шунингдек, Ўзбекистон ҳам мустақил давлат сифатида ўз давлат мадҳиясига эгадир.

Ўзбекистоннинг давлат мадҳияси узоқ ижодий изланишлар натижасида машҳур шоир Абдулла Орипов томонидан ёзилиб, таниқли санъат арбоби Мутал Бурхонов томонидан басталанди ва 1992 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида қабул қилинди. Дадил айтиш мумкинки, мадҳиямизда ўзбек халқининг шодиёна фикр-ўйлари ва ҳиссиётлари бекаму кўст ўз ифодасини топган.

Шундай қилиб, юртбошимиз ҳақли равишда таъкидлаганидек, «Давлатимиз рамзлари — байроқ, тамға, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Мана шу рамзларни эъзозлаш — ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш демакдир».

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси.

ГУЗАРИМИЗГА МАРҲАМАТ!

Кейинги вақтларда шаҳримиздаги Яккасарой туманида меҳр-шафқат, хайрия йўлида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Шулардан энг асосий юмушлар ҳашар йўли билан бажарилмоқда.

«Конституция» маҳалласида ҳам яқинда гузар битказилиб, ишга тушди. 6500 аҳолига хизмат қилувчи бу гузарда тўй ва турли маросимлар ўтказиш учун катта хоналар, чойхона, маҳалла қўмитаси хонаси, тикиш-бичиш, тўқиш, шахмат-шашка машғулотлари ўтказишга мўлжалланган хоналар ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд.

— Бир иш қиламан десанг, уни ҳеч ким қўллаб-қувватламаса ундан ёмони йўқ, — дейди маҳалла оқсоқоли Тўхтамурод Алимов. — Гузар қурилиши ҳашар йўли билан амалга оширилади, деб гап бошлаган вақтимизда бир оз чўчиган эдик. Бу ёғи қандай бўлар экан, деб. 800 дан ортиқ хонадондан иборат бўлган маҳалламиз ўзининг нимага қодир эканини исботлади. Бир гектардан ошиқ ташландиқ ер туман халқ ҳокимлиги кўмагида икки ой ичида шинам маданий-маърифий марказга айлантирилди.

Дония ЗОКИРОВА.

СУРАТЛАРДА: маҳалла гузарининг очилиш маросимидан лавҳалар.

Виктор Багаев олган суратлар.

Яқинда барча оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг судьяси А. Қодиров раислигида, судьялар Ж. Субхонқулов ва А. Дўстбобоевдан иборат ҳайъатда, Ўзбекистон Бош прокурорининг катта ёрдамчиси О. Матхолиқов, ҳимоячилар Ш. Рашидова, М. Шамсиева, М. Тойжонова, М. Суярова, М. Бузрукова, Р. Шайхутдиновалар иштирокида Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузумини зўрлиқ билан ағдариб ташлаш ва ҳокимиятни қўлга олиш мақсадида фитна уюштиришда иштирок этишда айбланган бир гуруҳ шахслар устидан жиноят иши кўрилиб, ҳукм эълон қилинганлиги ҳақида хабар берилди.

Олий суд ҳукмидан кейинги ўйлар

ОШНАНГ ОЛАҚАРҒА БЎЛСА...

1993 йилнинг июнь ойи ўрталарида муҳожирликда юрган «мухолиф» С. Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ) Ашгабад шаҳрида вақтинча яшаб турган Мурод Жўраевга қўнғироқ қилиб, унга Қашқадарё вилоятида яшайдиган, ҳарбий хизматни ўтаб келгай, уйланмаган 21-25 ёшлардаги йигитларни саралаб Туркияга юборишни топширади. Бу йигитлар Ўзбекистонга қайтганларидан кейин улардан шахсий соқчилар ҳамда жангарилар сифатида фойдаланиш мумкинлигини уқтиради.

Шунга кўра, мураклик Мурод Жўраев бу қалтис ишга ўзининг ҳамқишлоқлари ва яқин танишлари бўлган Неъмат Аҳмедов, Шавкат Холбоев, Ҳошим Сувонов, Шавкат Маматов ва бошқаларни жалб этган. Унинг раҳбарлигида юқорида номлари қайд этилган шахсларнинг фаол ёрдамлари билан Қашқадарё вилоятида истиқомат қилган 46 нафар ёш йигитлар танлаб олиниб, улардан 21 таси олдиндан қалбакилаштирилган ҳужжатлар асосида Туркияга ўтказиб юборилган. Салай Мадаминов Мурод Жўраев орқали бу йигитларга зарур бўлган маблағларни — йўл кира, яшаш, овқатланиш ва умумфуқаролик чет эл паспортларини олиш учун сарф бўладиган харажатларни тўлаган.

Ёш йигитларни танлаб, уларга ҳужжат тўғрилаш ва уларни чегарадан ўтказиб юборишда Шавкат Холбоев билан Неъмат Аҳмедов асосий ижрочи бўлишган. Жумладан, Ш. Холбоев ўзининг таниши Б. Қораев ёрдамида иш жойлари, ташкилот раҳбари имзоси ва муҳри ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган сайёҳлар сўров варақаси асосида 19 та умумфуқаролик чет эл паспортларини олишликни ташкил қилган. Бунинг учун у Мурод Жўраевдан олган 3 миллион 400 минг сўм пулдан 200 минг сўмини Қораевга хизмат ҳақи сифатида тўлаган. Суд жараёнида хорижга юбориш учун танлаб олинган йигитларнинг шахслари тўлиқ аниқланди ва уларнинг аксарияти гувоҳ сифатида қатнашди. Дастлаб Ўзбекистондан Туркияга ноқонуний йўл билан 13 киши чиқиб кетган. Кейин 1994 йилнинг 8 февраль куни Неъмат Аҳмедов олти кишилик гуруҳга раҳбарлик қилиб Ботуми шаҳрига борган ва Грузия фуқароси Сулико Заидзега Мурод Жўраевдан олинган 635 АҚШ долларини бериш эвазига гуруҳни 9 февраль куни Туркия чегарасидан ўтказиб юборган. Яна икки киши чегарадан март ойида ўтган.

Ғайри конституциявий уюшманинг бошқа фаол иштирокчилари, хусусан, Дилором Исҳоқова, Муҳаммад Бекжонов, Юсуф Рўзимуродовларга уюшма учун сўм ва чет эл валюталарида пул маблағлари йиғиш вазифалари юклатилган. Уларнинг фаол ҳаракатлари натижасида 1993 йилнинг июнидан 1994 йилнинг январигача 13200 АҚШ доллари ва 20 миллион 150 минг сўмдан ортиқ маблағ йиғилган. Бу пулнинг асосий қисми С. Мадаминовнинг кўрсатмаси билан Жаҳонгир Маматовга юборилган. У эса чет эл валютасини йигитларни танлаш ва яширинча Туркияга юбориш учун ишлатган.

Туркиядан қайтиб келган ва суд мажлисида гувоҳлар тариқасида сўроқ қилинган ўндан ортиқ йигитлар Туркияга бизнесменликка Шавкат Холбоев ва Ҳошим Сувоновлар томонидан таклиф этилганликларини, улардан бир неча марта ҳар хил миқдорда пул маблағлари олганликларини, ўзлари бир сўм ҳам сарфламаганликларини, Туркияга боргач Муҳаммад Солиҳ, Жаҳонгир Маматов, Номоз Нормўмин, Юсуф Рўзимуродов ва бошқалар бошчилигида каратэ, дзюдо, самбо, яккама-якка кураш, ҳарбий қисмга бориб ўқ отиш, портловчи қуроллардан фойдаланиш усулларини ўрганганликларини, Туркияда 1994 йилнинг февраль ойларидан бошлаб ўқишлари 7-8 ой давом этганлигини, ноябрь ойида уруш усулларини ўрганиш мақсадида Чеченистон Республикасининг Грозний шаҳрига жўнатилганликларини, Грознийда уларни Юсуф Рўзимуродов кутиб олганлигини, бир ярим ойдан кейин 3-5 кишидан иборат гуруҳларга бўлиниб Рўзимуродов белгилаган жойларга юборилганликларини, уйларига қайтиш маън этилганлигини, уйларига қайтмоқчи бўлганларида Рўзимуродов уларни «Ўзбекистонга 10 мингдан ортиқ одамимиз ташланган, сизларга ёки оила аъзоларингизга нисбатан жисмоний куч ишлатилиши мумкин, барибир уйларингизга етиб боролмайсизлар» деб кўрқитганлигини, улар Рўзимуродов белгилаган жойларда унинг сигналини кутиб, бериладиган топшириқларни бажаришга шай бўлиб туришга мажбур бўлганликларини, Ўзбекистонда бўладиган сайловларда «Эрк» партияси аъзоларига қаршилик кўрсатиладиган тақдирда керакли раҳбар ходимларни ёки уларнинг оила аъзоларини гаровга олишлари зарурлигини, Туркияда тижорат ишига мутлақо ўргатилмаганликларини, умуман алданиб қолганликларини, лекин чет эл умумфуқаролик паспортлари ўзларида бўлмаганлиги ва бунинг устига пуллари ҳам йўқлиги сабабли иложсиз қолганликларини, уйга қайтамиз деб бир неча бор С. Мадаминовга қилган мурожаатлари жавобсиз қолганлигини эътироф этишди.

Гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳар қандай кишида нохуш кайфият туғдиради. Ўзини ўта зиёли саналган, доим демократия ва инсонпарварлик хусусида сафсата сотиб келган «арбоб» ўзининг ғаразли ниятига эришиш мақсадида ўз Ватани ва ўз халқига нисбатан шу даражада тубанлик, душманлик қилиши ҳечам ақлга сиғмайди. Кўр бўлсанг бўл, кўрнамак бўлма, деганлари шу-да. Афсус, курашнинг қабиҳ йўли танланибди. Россиянинг оммавий ахборот воситаларидан С. Мадаминовнинг Чеченистон вице президенти З. Яндарбиев билан алоқаси борлиги ҳақидаги хабарни эшитган эдик. Лекин бу алоқа жангарилар тайёрлаш тажрибасини ўрганиш даражасида бўлиши мумкинлигига ишонмаган эдик.

Шу ўринда инкор этиб бўлмайдиган бир мунофиқликни эслатиб ўтмоқчимиз. «Эрк» газетасининг 1992 йил декабрь ойида чиққан 40-сонида Муҳаммад Солиҳнинг «Ҳаётга реал қарайлик» деган сарлавҳада суҳбати босилган. Мухбир унга шундай савол беради: «Мақсад воситани оқлайди, деган ақидага қандай қарайсиз?» У жавоб бериб дейди: «Бу ақидадан кейинги етмиш йил ичида коммунистлар фойдаланди. Мен бу ақидани бутун вужудим билан қабул қилолмайман». Айтингчи, жаноб, конституциявий тузумга ва қонуний ҳукуматга қарши курашиш учун бирлашишга ошкора даъват этувчи мақолалар босилаётган газетани яшириш равишда босиб чиқариш ва маҳфий тарзда тарқатиш, бунинг учун алдов йўли билан одамларни ёллаш — бу ленинчи «Искра»дан мерос бўлиб қолган, ёш ишчи деҳқон йигитларни ўқишга юбориш баҳонасида шахсий соқчилар ва жангарилар қилиб тайёрлаш — бу ленинча «қизил қўнғиллилар» бўлинмаларида шакллананган ақида эмасми?! Шунингдек сизнинг маблағ йиғиш, уни қайси йўналишлар бўйича қандай қилиб сарфлаш, ноқонуний сиёсий уюшма фаолиятини йўналтириб туриш ва ниҳоят мақсадга эришиш йўлида танлаган кураш усулингиз большевиклар қўллаган ақидадан нимаси билан фарқ қилади?!

С. Мадаминов бир пайтлар учтўрт кишининг қони тўкилган тақдирда ҳам мақсадга эришиш учун кураш йўлидан қайтмаймиз, деган эди. Танланган ана шу кураш учкуни 1993 йилда ва айниқса 1994 йил бошида ҳавфли тарзда аланга ола бошлаганлигидан унинг яқин кишилари ва айниқса қариндош уруғлари жиддий ташвишга тушиб қолишди. Унинг укаларидан бири — Мақсуд Бекжон ёш йигитлар махсус тайёргарликдан ўтиш учун Туркияга юборилаётганлигидан хабар топган бўлса керак, дарҳол акасини инсофга чақириб хат йўллади. Мақсуд Бекжоннинг 1994 йил 15 апрель куни акаси С. Мадаминовга йўллаган очиқ хати 19 апрель куни «Хоразм ҳақиқати» газетасида босилиб чиқди. Қуйида ўша хатнинг бир бўлагини тахрирсиз айнан берамиз:

«Бугунги кунда Ўзбекистон учун энг муҳим бўлган нарсадан бири, фикримча миллий ҳамжиҳатлик-наб, доим демократия ва инсонпарварлик хусусида сафсата сотиб келган «арбоб» ўзининг ғаразли ниятига эришиш мақсадида ўз Ватани ва ўз халқига нисбатан шу даражада тубанлик, душманлик қилиши ҳечам ақлга сиғмайди. Кўр бўлсанг бўл, кўрнамак бўлма, деганлари шу-да. Афсус, курашнинг қабиҳ йўли танланибди. Россиянинг оммавий ахборот воситаларидан С. Мадаминовнинг Чеченистон вице президенти З. Яндарбиев билан алоқаси борлиги ҳақидаги хабарни эшитган эдик. Лекин бу алоқа жангарилар тайёрлаш тажрибасини ўрганиш даражасида бўлиши мумкинлигига ишонмаган эдик.

Шу ўринда инкор этиб бўлмайдиган бир мунофиқликни эслатиб ўтмоқчимиз. «Эрк» газетасининг 1992 йил декабрь ойида чиққан 40-сонида Муҳаммад Солиҳнинг «Ҳаётга реал қарайлик» деган сарлавҳада суҳбати босилган. Мухбир унга шундай савол беради: «Мақсад воситани оқлайди, деган ақидага қандай қарайсиз?» У жавоб бериб дейди: «Бу ақидадан кейинги етмиш йил ичида коммунистлар фойдаланди. Мен бу ақидани бутун вужудим билан қабул қилолмайман». Айтингчи, жаноб, конституциявий тузумга ва қонуний ҳукуматга қарши курашиш учун бирлашишга ошкора даъват этувчи мақолалар босилаётган газетани яшириш равишда босиб чиқариш ва маҳфий тарзда тарқатиш, бунинг учун алдов йўли билан одамларни ёллаш — бу ленинчи «Искра»дан мерос бўлиб қолган, ёш ишчи деҳқон йигитларни ўқишга юбориш баҳонасида шахсий соқчилар ва жангарилар қилиб тайёрлаш — бу ленинча «қизил қўнғиллилар» бўлинмаларида шакллананган ақида эмасми?! Шунингдек сизнинг маблағ йиғиш, уни қайси йўналишлар бўйича қандай қилиб сарфлаш, ноқонуний сиёсий уюшма фаолиятини йўналтириб туриш ва ниҳоят мақсадга эришиш йўлида танлаган кураш усулингиз большевиклар қўллаган ақидадан нимаси билан фарқ қилади?!

С. Мадаминов бир пайтлар учтўрт кишининг қони тўкилган тақдирда ҳам мақсадга эришиш учун кураш йўлидан қайтмаймиз, деган эди. Танланган ана шу кураш учкуни 1993 йилда ва айниқса 1994 йил бошида ҳавфли тарзда аланга ола бошлаганлигидан унинг яқин кишилари ва айниқса қариндош уруғлари жиддий ташвишга тушиб қолишди. Унинг укаларидан бири — Мақсуд Бекжон ёш йигитлар махсус тайёргарликдан ўтиш учун Туркияга юборилаётганлигидан хабар топган бўлса керак, дарҳол акасини инсофга чақириб хат йўллади. Мақсуд Бекжоннинг 1994 йил 15 апрель куни акаси С. Мадаминовга йўллаган очиқ хати 19 апрель куни «Хоразм ҳақиқати» газетасида босилиб чиқди. Қуйида ўша хатнинг бир бўлагини тахрирсиз айнан берамиз:

«Бугунги кунда Ўзбекистон учун энг муҳим бўлган нарсадан бири, фикримча миллий ҳамжиҳатлик-дир. Токи миллат бир бутун, яхлит бўлмас экан, ҳеч қандай олийжаноб ишни амалга ошириб бўлмайди. Сиз, эсингизда бўлса, бундан бир неча йил илгари, ҳали Иттифоқ мавжуд бўлган пайтда: «Биз учун энг муҳими бугунги кунда миллий бирлик ва миллий озодлик» деган эдингиз. Сиз ўшанда Россиянинг Ўрта Осиёдаги колониалистик ролини назарда тутган эдингиз. Хўш, бугун вазият ўзгардими? Тўғри, биз мустақиллик эълон қилдик, биз ўз қонунларимизга, Конституциямизга эга бўлдик. Фуқаролик тартибларини жорий этдик. Аммо хавф ҳали ҳам мавжуд. Баъзи бир буюк давлатлар иқтисодий пайлари билан ҳар қандай мустақил давлатни яна қарамлик ҳолатига олиб келиш учун ҳозир туриптилар. Шундай шароитда жумҳурият ичидаги қарама қаршиликлар халқ учун ҳалокатли эмасми? Ахир миллат манфаатлари ҳамма нарсадан устун турмайдими?»

* * *

...Олий суд ҳукмини эълон қилди. Судда ҳозир хорижда яшаётган Салай Мадаминов жиноятларнинг ташкилотчиси дейилди. Жиноят иштирокчилари бўлган Мурод Жўраев 12 йил муддатга, Эркин Ашуров, Шавкат Холбоев, Неъмат Аҳмедовлар 10 йилдан муддатга, Ҳошим Сувонов 6 йил муддатга, Шавкат Маматов 5 йил муддатга, Дилором Исҳоқова шартли равишда 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Аслида Мурод Жўраевни адашганлардан деб бўлмайди. Олий маълумотли, мулоҳаза мушоҳадаси кенг, Ўзбекистон халқ депутати, Муборак шаҳар ижроқўмининг раиси бўлган. У ўзи бош қўшган сиёсий найрангнинг моҳиятини тушунади. Вақтида бойваччалик гаштини суриб кўрган, мабодо унинг раҳнамоси ҳокимият тепасига келгудек бўлса қандай лавозимга даъвогарлик қилиш мумкинлигини кўп бора ўйлагани аниқ. Шу сабаб, ёш, соддадил, ишонувчан юртдошларини кўра-била туриб йўлдан оздирган, қурбон қилмоқчи бўлган.

Ёши бир жойга бориб қолган Эркин Ашуров фарзандлари тенги йигитлар сафида сиёсий кураш майдонида «чиниқиб», вилоят миқёсида парвоз қилган қанотларининг қудратини мамлакат миқёсидаги парвозда ҳам синаб кўрмоқчи бўлди. Бир неча йил Самарқанддаги машҳур чой қадоқлаш фабрикасида директорлик қилган, Самарқанд вилоят ишбилармонлари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган бу кимса ғайриқонуний ишга қўл ураётганини тушунмаган деб ким айта олади?

Шавкат Холбоев — Мурод Жўраевнинг укаси. У акасининг топшириғи билан Косон ва Китоб шаҳарларида Туркияга юбориш учун йигитларни танлади, уларга қалбаки ҳужжатлар тўғрилаш учун елиб югурди, Шавкат Маматовнинг уйида Туркияга жўнайдиган 13 та йигитга ўн минг сўмдан аванс берди. Бундан ташқари Мурод Жўраев ва Дилором Исҳоқовадан олинган катта миқдордаги пулларни танлаб олинган «қўнгиллилар»га сахийлик билан тарқатди. Жўраев уни фақат сўм билан эмас, балки доллар ва манат билан ҳам таъминлаб турди. «Вербовкачи» Холбоевдан Фаҳриддин Қиличев бир сафар 150 минг сўм, бир сафар 600 минг сўм пул олди. Ашгабадга борганида 16 йигитга 50 манатдан тарқатди. Хуллас, унинг топшириқни бажариш йўлида қўйган ҳар бир қадами пул билан ўлчанадиган бўлди.

Неъмат Аҳмедов — Жўраевнинг тузоғига илинганлардан бири. 1993 йил июль ойида Жўраев уни Ашгабадга қўшма корхона очишга таклиф этган ва унга аванс тариқасида 50 минг сўм берган. Тузоққа тушганидан кейин унга аванс берадиганлар кўпайиб кетган. Жумладан, Дилором Исҳоқовадан бир миллион сўм, Шавкат Холбоевдан бир миллион 400 минг сўм, Юсуф Рўзимуродовдан 3200 АҚШ доллари, Мурод Жўраевдан 1200 манат ва 400 АҚШ доллари олган. Бу пуллар бўлажак шахсий соқчиларни Туркияга юбориш учун ишлатилган. Унга Ботумидаги ошнаси Сулико Заидзе асқотади. Бир сафар Заидзе унинг ўзига ҳам 105 АҚШ доллари эвазига сафар визаси тўғрилаб беради. Неъмат Аҳмедов Истамбул шаҳрига бориб «Ҳидоя» меҳмонхонасига жойлашади. Уни Жаҳонгир Маматов кутиб олади. Эртасига Муҳаммад Солиҳ ва Юсуф Рўзимуродов билан учрашади. Орадан атиги уч кун ўтиб Рўзимуродов билан самолётда, қутилардаги сирли юкларда Ашгабадга қайтишади. Бу ерда уларни Мурод Жўраев кутиб олади.

Очиғини айтиш керак, Дилором Исҳоқова ҳам алданганлардан ёки адашганлардан эмас. Қаранг, аёл боши билан мана мен деган фитначи эркакларга бош-қош бўлди. Маблағ тўплаш ва уни тақсимлаш учун асосий жонли манба бўлиб хизмат қилди. Бир пайтлар «олдин — мустақиллик, кейин — демократия» деган ғояга қасам ичган бу аёл бугун «олдин — демократия, кейин — мустақиллик» деган шиор учун курашяпти. Ўзбекистон ҳақида қандай салбий маълумот бўлса, ҳозиржавоблик билан хорижга етказади. Хорижнинг оммавий ахборот воситалари ҳозирги иқтисодий қийинчиликларга сабр қаноат билан чидаб, фарзандлари тарбиясида фидойилик кўрсатаётган минглаб, миллионлаб ўзбек аёллари ҳақида эмас, аксинча «жабрланган» Дилором Исҳоқова ҳақида кўпроқ ёзишади. Ваҳоланки, бу «миллионер» аёл кўп нарсага қодир. Унинг эътироф этишича, С. Мадаминов чет элга кетишидан олдин, яъни 1993 йил апрель ойида Дилоромнинг ўзига ва партиянинг бошқа фаолларига тўлаш учун етти миллион сўм қолдирган, орадан бир неча кун ўтиб С. Мадаминовнинг хотини С. Березняцкая унга сақлаш учун 13 минг АҚШ доллари берган, орадан яна бир оз вақт ўтиб, унинг уйига тўқ кўк рангли «Жигули» автомашинасида Ориф Озол деган озарбайжон йигити келиб, мана бу машинани Муҳаммад Солиҳ менга 7 миллион сўмга сотди, ҳозирча беш миллионини олинг, икки миллионини сўнг келтириб бераман, — дейди. Дилором Исҳоқова кейинчалик бу пулларнинг асосий қисмини Муҳаммад Бекжонов, Шавкат Холбоев, Неъмат Аҳмедов ва фитнанинг бошқа аъзоларига асл кўзда тутилган мақсадларга ишлатиш учун беради. Дилором Исҳоқовага инсонпарварлик нуқтаи назаридан мурув

Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан

Фашизмга қарши урушда бошқа халқлар қатори бизнинг юртдошларимиз ҳам мардона туриб жон олиб, жон берганлар. Ўзбекистон фарзандлари кўрсатган қаҳрамонлик тилларда достон бўлган. Биз жангчи юртдошларимизнинг жасорати билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Ислом КАРИМОВ.

«Сўнмас шон-шуҳрат» танловига

ЮЗГА ТУШГАН БИР ТОМЧИ КЎЗ ЁШ

Фаттоҳ Эргашев уруш бошланганида эндигина 12 ёшда эди.

— Оилада 8 киши эдик, — деб хотирлайди отахон. — Отам Тошкентдаги самолётсозлик заводи қошидаги ишчи хизматига чақирилдилар. У киши куни билан хизматда бўлиб, деярли ярим тунда ҳориб-толиб қайтар эдилар. Бу иш учун ҳақ тўланмасди. Онам уй бекаси эди. Энг кичик укам ҳали норасида гўдак, 6 фарзандни боқиш учун ҳеч қандай даромад ва маблағ йўқ эди. Акам қишлоқ хўжалиги институти талабаси. Мен оилада иккинчи фарзанд эдим. 14 ёшимда ўқишни ташлаб, Тошкентдаги Чкалов номли заводга ишга кирдим. 1946 йилгача меҳнат қилдим.

— Завод уйимиздан тахминан 15-20 километр узоқда эди, — давом этади Фаттоҳ ота. — Шаҳар транспорти уруш шароити туфайли узлуксиз юрмасди. Ишга пиёда борар эдик. Тонг саҳар 5 да йўлга чиқиб, 8 га ишга етиб борардим. Меҳнат интизоми жуда қаттиқ эди. Иш соати чекланмаган бўлиб, баъзан 15-16 соатгача чўзилиб кетарди. Кечқурун яна пиёда 3 соат йўл юриб, ярим кечада уйга етиб келар эдим. 3-4 соат дам олиб яна эрта билан йўлга тушардим. Дам олиш кунлари ёки соатлари ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди: завод мудофаа аҳамиятидаги корхона бўлгани учун туну-кун узлуксиз ишлар эди. Қишнинг совуқ кунлари, айниқса, 1944 йилнинг қаҳратон қиши, сира ёдимдан чиқмайди. Ишга келгунимча ёки ишдан уйга қайтгунимча эгнимдаги кийимларим музлаб, тахтадек қотиб қолар эди. Туни билан кийим-кечакни танчада қуритиб, эрталаб тонг ёришмай, изғиринли шамол увуллаётган қоронғу кўчалардан яна ишга кетардим. Заводга етиб келгач, музлаб қолган қўл-оёғимга иссиқ ўтиб улгурмай, иш бошлардим. Мен ҳарбий самолётлар учун ўриндиқлар тикардим, кечгача бош кўтармай ишлардим. Тушлик учун 20 сония вақт берилар эди. Завод ишчилари ҳолдан кетиб йиқилгунга қадар дастгоҳ қошидан кетмас эдилар.

Уруш йилларида мен ишлаган заводда ишчилар ёши, жинсидан қатъий назар фидокорона меҳнат қилганлар, уларни бунга тирикчилик ғамигина эмас, ғалабага, яхши кунларга бўлган умид ундар эди. Ҳамма бир жону бир тандек меҳнат қиларди. Меҳнат нормасини ортиғи билан бажарганларни «стахановчи» деб аташарди. Мен ҳам нормани 127 фоиз бажариб «стахановчи» номига эришганман. Ишчилар бирон-бир унвон ёки мукофот олиш ниятида меҳнат қилмаганлар, улар ўз вазифаларини сидқидилдан бажарганлар, холос.

Завод ишчиларига 800 грамм нон учун карточка берилган. Мен нон карточкасини уйга олиб келардим, унга олинган нонни оиламиз баҳам кўрар эди. Бу албатта, камлик қиларди, шунинг учун мен тушликда берилган нонни емасдан уйга, ака-укаларимга олиб кетардим. Буни кўрган ишчилар менга ўз нонларидан озгина бўлиб беришар: «Ол, е, сенга ишлаш учун куч керак, ахир ҳали жуда ёш ва кичиксан-ку!» — деб меҳрибонлик қилишар эди. Умуман, меҳр-оқибат жуда кучли эди.

Оиламиз катта бўлишига қарамай хонадонимиздан муҳандис Фёдор Васильевич Букарев оиласига жой бергандик. Улар бизлар билан жуда аҳиллиқда яшаганлар. Уруш тугагач, улар 1947 йилда Подмосковьега кўчиб кетишди. 1956 йилда уларникига бориб меҳмон бўлдим. Ўтган кунларни хотирладик.

Менинг фикримча, айнан меҳр-оқибат, яхши кунларга бўлган ишонч, ғалабага умид, шундай қийин дамларда кишиларга мадад бўлиб, кўр берган. Тасаввур этинг-а, ҳафталаб иссиқ овқат емаганмиз, ойлаб гўшт кўрмаганмиз, бир бурда нон есак «кунимиз яхши ўтди», — деб шукрона этардик. Уст-бошимиз жуда юпун, ёзда оёқ-яланг юрардим, бир суткада 4-5 соат ухлардим, бор-йўғи 14 ёшдаги жиккаккина, нозик боламан. Шундай ҳолатда икки йилдан ортиқ ишладим. Оиладаги олти-етти жон учун бир бурда нон топиш, жигарларимга бўлган меҳр, заводдаги ишчилар меҳр-оқибати менга куч берган бўлса керак-да.

Эсимда, бир куни тун ярмида совқотиб қаттиқ чарчаб келиб, ухлаб қолибман. Эрта тонгда кун ёришмай онам бошимни силаб уйғота бошлади: «Тур болам, тур ишга кеч қоласан!». Унинг сўзлари қулоғимга киради-ю, кўзларимни очишга, бошимни кўтаришга мажолим йўқ. Шу пайт юзимга бир томчи қайноқ нарса тушди, мен ялт этиб кўзимни очдим, бу онамнинг меҳр-муҳаббат тўла ёш томчилари эди. У бир қўли билан бешикда ухлаётган укамни тебратиб, бир қўли билан менинг бошимни силар: «Оти ўчсин Гитлерни, оти ўчсин, жон болам, кўпи ўтиб ози қолди, оз қолди-ку, жон болам, сабр қилгин жон болам!» — деб шикасталик билан алла айтганча юм-юм йиғларди. Шу бир томчи меҳр ёши ва онамнинг сўзларидаги ғалабага бўлган ишонч менга куч бағишладики, ҳорғинликда бемажол эзилиб ётган жойимдан сакраб турдим...

Фаттоҳ ота ўша кунларни эслаб кўзлари ёшланди. Ҳали суяги қотмай ҳаётнинг оғир синовларига дуч келганда уни мардонавор енгган иродали инсон 50 йил аввал ўспиринликда бошдан кечирган қийинчиликларни эмас, она меҳрини, меҳр-оқибатни эслаб, кўзлари ёшланди.

Яқинда Фаттоҳ ота Эргашев ҳам «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Урушдан кейин Тўқимачилик ва енгил саноат институтида таълим олгач, Давлат таъминоти тизимида энг оддий ходимдан бошқарма бошлиғи даражасигача кўтарилиб, салкам 40 йил ҳалол меҳнат қилган, бугунги кунда тўрт фарзанди, келин-куёвлари, ўн икки набиралари ва умр йўлдоши билан бағри бутунликда қарилик гаштини сураётган отахон ўша суронли кунлардаги фидойи меҳнат қадрланганидан мамнун бўлди.

Темур УБАЙДУЛЛО.

● Танлов ҳомийси — «Совпластитал» қўшма корхонаси.

«ТИРИКЛАЙИН ҚЎЛГА ОЛИНСИН...»

1941 йилда йигитлик бурчини Харьков шаҳрида ўтаётганда Жуман Холматов уруш тўғрисидаги хабарни эшитди. Кейин гвардиячи танк корпусида радист-пулемётчи вазифасини бажарди. Орёл, Белгород, Таганрог, Смоленск остоналарида фашист босқинчиларини тор-мор этиш ҳақида буйруқ берилди. Одесса қамал қилинган бўлиб, кўп кўчалар миналаштирилган, тиканли симлар билан ўраб ташланган эди. Бригада командири Литвиенко, катта сержант — қозоқ Марат Қосимов, сержант — қирғиз Ўлмасов ва сержант — ўзбек Жуман Холматовларни чақириб жанговар топшириқ берди:

— 27 октябрь тонгга яқин Одессага ҳужум бошлаймиз. Бизга душман кучи ва техникаси ҳақида маълумотлар керак.

Зим-зиё тун. Ёмғир майдалаб ёғмоқда. Разведкачилар эмаклаб, мўлжалланган нуқтага етиб келдилар. Узоқдан кўча соқчилари мотоциклининг овози қулоққа чалинди. Разведкачилар улар яқинлашганда граната улоқтиришди. Тирик қолган душман офицерлари жуфтакни ростлаб қоча бошлашди. Қосимов ва Ўлмасов зобитларни тириклайин асир олмоқчи бўлиб, энди ўринларидан турганларида душман мерганлари отган ўқдан иккиси ҳам қуллади. Жуман Холматов ўқ отилган томонга устма-уст граната улоқтирди, сўнг улар томон эмаклаб кетди. Жанговар дўстларидан бири оёғидан, бири ўнг елкасидан оғир яраланган эди. Жуман Холматов Ўлмасовнинг ярасини боғламоқчи бўлганди, «Бизни қўявер, тириклари бўлса қўлга олишнинг ҳаракатини қилинглар», деди у.

Кучли граната портлашидан тўрт немис зобити ер тишлаб ётарди. Жуман Холматов уларнинг бири планшетидан Одесса райони плани чизилган харитани олди. Унда районни сув билан таъминлайдиган тармоқлар ва ёқилғи омборини, шунингдек, асирларни тириклайин кўмиш вақти, соати, портлатиш режалари аниқ кўрсатилганди.

Тонг ёришмоқда. Ёмғир ҳамон ёғмоқда эди. Душман эса шаҳарни снаряд билан ўққа тутарди. Бир зум снаряд ўқи тингач, Жуман Холматов дўстларини ахтарди. Афсус, улар абадиятга кўз юмган эди.

У штабга келганда ҳолдан кетган эди. Эс-ҳушини йиғиб:

— Дўстларим... дўстларимдан жудо бўлдик! — деди шашқатор кўз ёшини тиёлмай.

Муҳим ҳужжатларни олиб келганлиги учун Жуман Холматов Қизил Байроқ ордени билан, Ўлмасов ва Қосимовлар вафотидан сўнг командирлик номидан «Жасурлиги учун» медаллари билан тақдирландилар.

Жуман Холматов Ғалаба кунларини Гамбург шаҳри шифохонасида кутиб олди. У яраланган эди. У ерда даволаниб, Тошкентга соғ-саломат қайтиб келди. Халқ хўжалигини оёққа турғазишда баҳоли қудрат ишлади. Ҳозирги кунда ўндан ортиқ жанговар медаллар ва Қизил Байроқ ордени соҳиби, Ҳамза тумани уруш фахрийлари фаолларидан бири. Жуман Холматов фарзандлари, набира ва эваралари даврасида қарилик гаштини сурмоқда.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.



Ижодкорлар — шонли санага

ХАЛҚ ФИДОЙИЛИГИ МАДҲИ

Истеъдодли мусаввирларимиздан бири Ҳайдарбек Санаев тарихий мавзудаги кенг қамровли воқеа-ҳодисаларни мураккаб образли қиёфалар орқали акс эттирувчи тасвирий асарларни маҳорат билан яратмоқда.

— Уруш йилларидаги воқеаларни бевосита ўзим кўрмаган бўлсам ҳам, у ҳақдаги бадиий китобларни ўқиган, архив кинофото ҳужжатларни кўриб чиққан эдим. Сўнг қариндошларим — уруш қатнашчиларининг бир нечта портретларини ишладим. Уларнинг суҳбат-хотираларидан бахраманд бўлдим. Анча тайёргарликлардан сўнг фронт орқасидаги воқеаларга бағишланган дастлабки ишимни яратдим, — дейди Ҳайдарбек.

Рассом 1980 йилда бажарган диплом—рангтасвир ишидаёқ ўзини тарихий мавзудаги жиддий, кенг қамровли, воқеабанд тасвирий асарларни мукаммал ярата олувчи истеъдодли ижодкор сифатида намоён эта олган эди. «Сўнгги ахборот» деб аталувчи катта, кўп, турли ёшдаги одамлар қиёфалари акс этган мураккаб воқеабанд бу композицияни ишлаш ёш рассомдан талайгина куч ва вақтни талаб қилгани маълум. У асосий ишни матога кўчира бошлашдан аввал жуда кўплаб ёрдамчи қаламчизгилар ва ранглавҳалар, композиция ечимининг лойиҳалари устида тинмай изланди. Натижада ҳақиқий, жиддий, тугал кўриниш касб этувчи ҳар томонлама ўйлаб ҳал этилган бадиий асар юзага келди. Унда фронт ортидаги одамларнинг урушга нисбатан муносабати акс эттирилган. Тоғ ён бағридаги қишлоқда яшовчи одамлар — асосан қариялар, аёллар ва болаларнинг диққати, эътибори симёғочга ўрнатилган радиокарнайда. Улар фронтдаги воқеаларни эшитиш ниятида дикторнинг сўзларига қулоқ тутиб туришибди. Ҳар бирининг юзидаги ифодалар орқали бирор қувончли хабар билиш илинжида турганлигини сезиб олиш қийин эмас. Композициядаги ўндан зиёд одам қиёфасини ўхшатиб тасвирлашда мусаввир ўзининг бор маҳоратини ишга солганлиги билиниб туради. Чунки ҳар бир кишини у мавжуд бўлган маконда, муҳитдаги барча тафсилотлар билан, туйғу, ўй кечинмалари, юзидаги нозик руҳий ҳолатларини тасвирлаш баъзан анча тажрибали рассомдан ҳам уқув ва чуқур билим талаб этади. Рассом асардаги одамлар-



нинг кўринишини қанчалик юпун, қайғули, изтиробли қилиб тасвирламасин, атрофдаги гўзал манзара, узоқдаги тоғлар орқали томошабинга қарата келажакда ёруғ, қувончли кунлар ҳам борлигини уқтираётгандек туюлади.

— Бу уруш пайти воқеаларини акс эттирган асаримни икки йил мобайнида ишлаб ниҳоясига етказганман. Дастлаб мавзу хусусида фикрлаб, архив материалларини яхшилаб ўрганиб чиққанман. Сўнг узоқ муддат ҳар бир одам қиёфаси, унинг руҳий ҳолати, ташқи кўриниши, кийим-кечаги, юзидаги ифодаларини намоён этувчи чизма тасвирлар ишлаб, умумий композиция тузилишини пухталаб олганман. Бўлажак асарнинг тарихи онгимда, тасаввуримда тугал ҳолатда пишигандан кейин асосий ишни битирганман, — дейди мусаввир ўзининг энг катта «Сен етим эмассан» асарининг яратилиши тўғрисида гапириб берар экан. — Маълумки, халқимиз урушнинг дастлабки кунлариданоқ унинг жабрдийдалари бўлган фронт ортига эвакуация қилинган болаларни ўз бағрига олган. Ўша пайтда вокзалларда ҳар куни жангу жадаллар кетаётган ерлардан кўчириб келтирилган корхоналар ускуналари, уларнинг ишчилари, хизматчилари ҳам мунтазам қабул қилиб олиниб жойлаштирилган. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг уруш йилларида чиққан сонларидан ота-оналари ҳалок бўлган етим қолган болалар кўплаб келтирилганини ва уларни ўзбек хонадонларига жойлаштирилганлиги ҳақида ўқиганман, — дейди Ҳайдарбек Санаев.

Композицияда ўша суронли, оғир йиллардаги давлат раҳбарлари ҳамда зиёлиларнинг, оддий меҳнаткаш кишиларнинг сайъ-ҳаракатлари, жонкуярликлари, саховатпешаликлари тараннум этилган. Уни томоша қилар экансиз, кўз ўнгингизда вокзалда болаларни кутиб олиш воқеаси барча тафсилотлари билан намоён бўлади. Композиция марказида Ғафур Ғулом, Усмон Юсупов, Йўлдош Охунбобоев, Ҳамид Олимжон ҳамда ўн учта жабрдийда етимни фарзандликка олган тошкентлик темирчи Шоаҳмад ота ва унинг рафиқаси Баҳрихон ая ҳам тас-

вирланган.

Ҳайдарбек Санаев тарихий мавзудаги асарлар яратишни мунтазам давом эттириб келмоқда. Унинг юқорида тилга олинган ишлари ҳамда «Пахта фронтга», «Уруш фахрийси, тарихчи ва қадимшунос Собир Эшниёзов портрети» каби асарлари жуда кўплаб нуфузли кўргазмаларда, музейларда намойиш этилган.

Истеъдодли мусаввирнинг устахонасида бўлганимизда Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Рассомлар уюшмасида ташкил этиладиган катта кўргазмага ўзининг «Интизорлик» номли асарини тайёрлаб қўйганлигининг гувоҳи бўлдик. Унда баҳорнинг интиқтирувчи, интизорлик кунларининг бирида ўз ёрини фронтдан соғ-омон қайтишини кутаётган, йўлга умидвор кўз тикиб турган келинчак образи акс эттирилган.

Баҳром ТОЖИЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

СУРАТЛАРДА: Рассомнинг «Пахта фронтга», «Сўнгги ахборот», «Сен етим эмассан» асарларидан кўчирмалар.

Суронли уруш йиллари тобора биздан узоқлашмоқда. Уруш даҳшатларини ўз кўзи билан кўрган, унинг машаққатларини ўз бошидан кечирган тирик гувоҳлар ҳам жуда кам қолишяпти. Лекин тилдан тилга ўтувчи уруш хотиралари, у ҳақдаги фильмлар, суратлар, турли ҳужжатлар, ҳандақларга битилган мактублар йиллар оша сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси давлат марказий архивида, газеталар таҳририяти, Ўзбекистон радиокомитетига аскар ва командирлар, сиёсий ходимлар йўллаган кўплаб хат ва хабарлар сақланмоқда.

Бу хабарларнинг кўпчилигида ўзбекистонлик жангчиларнинг мислсиз мардлиги ва жасорати ҳақида ҳикоя қилинади. Уларнинг аксариятида муаллифлар бутун ўзбек халқига газеталар орқали жангчиларга юборган совға-саломлари учун, ўзбек санъаткорларига ўз санъатлари билан аскарларга кўтаринки руҳ бахш этганликлари учун миннатдорчилик билдирадилар.

Мактублар жангу-жадал бораётган турли ерлардан юборилган, турли миллат тилларида битилган. Лекин уларнинг барчасини ягона ғоя ва мазмун бирлаштиради: бу ғалабага бўлган чексиз ишонч, душманни янчиб ташлаш учун фронт ортида фидокорона меҳнат қилишга даъват ғоясидир.

Қуйида уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ҲАНДАҚЛАРДА БИТИЛГАН ХАТЛАР...

ҚАСАМЁД

Бизнинг қўшилмамизда 130 нафардан ортиқ ўзбеклар бор. Жанг майдонларида курашаётган ўз фарзандларига ўзбек халқи йўллаган ажойиб мактубни ўқиб, уларнинг қалби жонажон Ўзбекистондан фахр ва ифтихор туйғулари билан тўлиб тошди. Мактуб барча бўлинмаларда ўқилди ва муҳокама этилди. Ўзбекистоннинг ватанпарвар ўғлонлари улуғ аждодларига муносиб бўлишга қасамёд қилдилар, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қўчқор (Турдиев) каби... душманни аниқ мўлжалга олишга аҳд қилдилар.

25 ноябрда бизнинг қисмларимиз марказий фронтда ҳужумга ўтдилар. Ана шу жангларда серқуёш Ўзбекистон фарзандлари мислсиз шон-шуҳрат қозондилар.

Тошкентлик Ҳалил Раҳимович Холмирзаев 1922 йил ҳунарманд оиласида туғилган. Тошкентдаги тиббиёт техникумини битирган. 6 ойдан буён фронтда ҳарбий фельдшерлик қилмоқда. У жангчиларга меҳр-шафқат кўрсатиб, бутун шахсий тизимнинг ҳурматини қозонди.

Жангчилар гуруҳи душман устига ҳужум бошладилар. Холмирзаев улар билан бирга ҳаракат қилди. Бизнинг жангчиларимизнинг қўққисдан қилган ҳужуми натижасида душманнинг таянч аҳоли нуқтаси қўлга олинди. Жангчиларимиз қаттиқ қаршилик кўрсатди. Бир неча танк ёндирилди, немис қисми яксон қилинди. Бироқ жасур ватанпарварларимизнинг ҳам сафлари сийраклашиб қолди. Командир Гаврилов билан бирга пулемётчиларимиз танк ғилдираклари остида қолишди. Ана шу мураккаб шароитда Холмирзаев зўр жасорат кўрсатди. У жанг майдонидан 5 ярадор командир, 5 кичик командир ва 13 жангчини қурол-яроғлари билан олиб чиқди. Ўлим хавф солиб турганига қарамасдан душман ўқи остида уларга биринчи ёрдамни кўрсатди. 10 кун давом этган жангда у ўнлаб жангчи ва командирларга ёрдам қилди. Қисм қўмондонлиги ўртоқ Холмирзаевни ҳукумат мукофотига тақдим этди.

Шу кунларда яна бошқа ўзбек жангчилари алоҳида мардлик кўрсатишди. Улар орасида 5 немисни ер тишлатган Холматов, 6 мерганни отиб ташлаган Юсупов, душман дзотига граната улоқтирган Дюраховлар бор. Санитар Аҳмедов эса 8 ярадорни жанг майдонидан олиб чиқди. 3 немисни ер тишлатди. Тарғиботчи ўзбек Ҳасан Эшонқулов катта обрў қозонган. У ўз она тилида ҳамюртлари билан ҳамкорликда совет ахборот шўъбасининг хабарларини маълум қилган. Жанг кунларида Ҳасан Эшонқулов ҳарбий фельдшер сифатида ярадорларни олиб келиб, ярасига малҳам қўйиб, уларни фронт ортига юборишни таъминлади. Ўзбек халқининг фарзандлари Қизил Армиянинг олдинги сафларида.

Ҳужум жангларимиз давом этмоқда.

Холмирзаев, Эшонқулов, Юсупов, Аҳмедов, Дюрахов, Холматов ва бошқалар ўзбек халқининг ишончини шараф билан оқлашга, немисларни тўла тор-мор қилгунча жанг қилишга қасамёд қилдилар.

Капитан Фельдманнинг «Правда Востока» таҳририятига 1943 йил 6 январда йўллаган хати.

ҚАҲРАМОНЛИК НАМУНАСИ

«Қизил Ўзбекистон» газетаси таҳририятига.

Ҳурматли муҳаррир!

65-ўқчи полк қўмондонлиги газетангиз саҳифасида ажойиб қизил аскар Тешабой Одилов ҳақида мақола беришингизни сўраймиз.

Ўртоқ Одилов армияга чақирилгунча ўқитувчи бўлиб ишлаган. Ҳарбий хизматга 1939 йилда чақирилган. Ҳарбий хизматнинг дастлабки кунлариданоқ ўзини юксак интизомли жангчи сифатида кўрсатди. Жанговар ва сиёсий тайёргарликда аъло баҳоларга эришди.

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ герман фашизмига қарши курашда мислсиз мардлик ва жасоратини намойиш қилиб, у ўзини совет халқининг муносиб ўғлони сифатида кўрсатди.

Ленинград фронтининг энг оғир шароитида ҳам ўртоқ Одилов ҳеч қачон тушкунликка тушмади ва ўз шахсий намунаси билан жангчиларни жасоратга чорлади. Шу вақт ичида у 33 марта душманга қарши ҳужумларда иштирок этди. Икки марта ярадор бўлди. Учинчи марта қўлидан ярадор бўлганига қарамасдан жанг майдонини тарк этишдан бош тортди. У комиссарнинг санитария қисмига бориш ҳақидаги таклифига «Ҳеч қиси йўқ ўртоқ комиссар, ҳали мен ота оламан» деб жавоб берди. Бу оддий сўз Ватанимизга чексиз садоқат, душманга нисбатан мислсиз нафрат ифодасидир.

Ленинград ҳимояси бўйича Нева Дубровкасида ўтказилган операциялардан бирида ўртоқ Одилов бир неча аскарлар билан фашистлар қуршовида қолади. Аҳвол мушкул эди. Жангчилардан бир нечтаси ва командир сафдан чиқди. Шунда Одилов командир ўрнини босди: «кўзларим очиқ экан, қўлимда милтиқ бор экан, фашистларни бу ерга йўлатмаймиз»,— деди. Қолган 9 нафар жангчи ҳам шундай қасамёд қилишди ва улар ўз қасамёдларини бажаришди. Душман ҳужум қилар экан, катта талафот кўрди ва бизнинг қаҳрамон жангчиларимизни ер юзидан супуриб ташлаш учун тўпларидан аёвсиз ўт очишга қарор қилди. Ўртоқ Одилов: «Ҳужумга!» дея буйруқ берди жангчиларга ва душманни ўз тўпларини жойлаштиришларига йўл қўймади. Душман тумтарақай қочишга мажбур бўлди. Шу жангда ўртоқ Одилов ярадор бўлди. Аммо ўз бурчини аъло даражада бажарди. У шу куни merган бўлишга аҳд қилди.

Ўртоқ Одилов соғайгандан сўнг қўмондонликдан уни merganлик курсига ўқишга юборишларини илтимос қилди. Қисқа муддатли курсларда ўртоқ Одиловнинг тиришқоқлиги ва моҳир merган бўлиш истаги ўз самарасини берди. У машҳур моҳир merган бўлиб етишди. Кундан-кунга унинг ўқидан ер тишлаган гитлерчилар сони оша бориб, 69 тага етди.

Жангларда алоҳида намуна кўрсатгани учун комсомол аъзоси Тешабой Одилов партия аъзолигига қабул қилинди.

1942 йил 7 февралдаги Ленинград фронтидаги merganлар слётида Ленинград большевиклари раҳбари, ВКП(б) Марказий комитети котиби ўртоқ Жданов энг яхши merganларни қабул қилиб, улар ўз тажрибаларини бошқаларга ўргатишларини, merganлар оиласини ташкил этишни топширди.

Ўртоқ Одилов бунга амалда жавоб берди. У ҳозир ўзига муносиб 15 нафар шогирдлар тайёрлади. Полк қўмондонлиги ўртоқ Одиловга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида ҳукумат номига тавсиянома тайёрламоқда.

65-ўқчи полк командири майор Волков.

65-ўқчи полк ҳарбий комиссари, катта батальон комиссари Романов.

65-ўқчи полк котиби, сиёсий раҳбар Андреев.

2 апрель 1942 йил.

БИЛОЛ БОЛТАБОЕВ — БАЙРОҚДОР

Билол Болтабоев ҳақида мақтов гаплар кўп. У душманга қирон келтиряпти. merган дам олишни хоҳламайди, унинг қалби ором билмайди. У асли мусиқачи эди. Билол Чимкент яқинидаги туғилиб ўсган қишлоғи Ёрганликдан Тошкентга келиб мусиқа техникумида ўқиди. У най чалиш санъатини эгаллади. У гоҳ булбул бўлиб, гоҳ юрак дардларини куйларди. Кейинчалик кўнгилли бўлиб Қизил Армия safига келди. Уралда хизмат қила бошлади, орада уруш бошланди. Билол Болтабоев пулемётчи сифатида жангга кирди.

Бир куни унинг расчётига муҳим аҳамиятга эга бўлган кўприкни қўриқлашни топширишди. Уч кечаю уч кундуз Билол мижжа қоқмасдан душман пайдо бўлиши кутилган томонга тикилди. Бу кўприк гитлерчиларга жуда ҳам зарур эди. Улар эмаклаб кўприкка яқинлашганда Билол ўқ ёмғирини ёғдириб, гитлерчиларни тутдек тўкарди...

Орадан анча вақт ўтганидан сўнг Билол разведкада қатнаша бошлади... У душманнинг икки кичик зобити ва икки аскарини қўлга олишга эришди. Тез орада Билол Болтабоевга мерганлик милтиғини топширишди. Уни «Жанговар хизматлари учун» медали билан мукофотлашди. Билол бу ҳақда ўз қишлоғи Ёрганликка — «Трактор» жамоа хўжалигига хат ёзди. Яша, Билол! Сенга ҳаммамиздан салом! Байрамни яхши кутиб олаётган экансан. Бу йил биз пахта ва буғдойдан ҳар қачонгидан кўп ҳосил олдик. Ҳеч қачон ҳозиргидек меҳнат қилмаган эдик. Ёрганликда ҳаёт қайнамоқда...

Билолнинг Жалол деган укаси ҳам бор. У олдин Тошкентда ўқитувчилик қилган. Ҳозир у артиллериячи. Ленинградни ҳимоя қилмоқда.

Билолнинг ака-укалари, опасингиллари кўп. Фақат Ўзбекистондагина эмас, Шимолда, Кабардино — Балқар тоғларида, барча ерда, унинг ягона — улуғ мамлакатнинг барча ерларида ҳам, Билол укаси Жалол билан фахрланади. Ва ғалабанинг чароғон дақиқаларида у билан учрашишни орзу қилади. Лекин унинг қалбида минглаб кишилар билан қардошлик туйғулари, муқаддас байроқ остида душманга қарши курашиш ва нафрат туйғулари ҳам тўлиб тошмоқда.

Яқинда қисмимиз бўйича бўлган буйруққа асосан Билолни байроқ элтувчи қилиб тайинлашди. У мамлакатимиз байроғини қабул қилиб олди, уни қўллари билан маҳкам тутди ва қалби эса унга — бу улуғ шараф Билол! Уни баланд тут! Уни ҳеч қачон қўлингдан қўйма, фақат олга интил!— дея даъват этарди.

С. ЦИМБАЛ,
Ҳаракатдаги армия, 1940 дала почтаси, 541 қисм.
Машҳура МИРЗАМУҲАМЕДОВА,
Людмила ШАРИПОВАлар тайёрлашди.

Туйғулар

АБАДИЯТ

Жарроҳ Абсаломов дераза ёнида ўйга чўмди. Ёши олтмишга яқинлашиб қолган бу одам кейинги пайтларда маҳзун хаёлларга берилиб қоларди. Нуқул ўлмаслик ҳақида ўйлайди. Умрининг ярмидан кўпини яшаб қўйгани учун шундаймикан?

Олма ҳар баҳорда гуллайди. Кузда меваларга ғарқ ботади. Ёки анави мажнунтолни олинг. Бирам чиройли бўладики, япроқ ёзса. Ҳар йили шундай. Мен дунёга келганимда ҳам шундай эди. Яшаётганимда ҳам шундай. Дунёдан кетганимда ҳам шундай бўлади.

Лекин Абсаломов олма қариб-чуриб қуриганини, ўрнига янги олма кўчати экилганлигини, мажнунтол ким билсин ўнинчи мартамикин, илдизидан янгидан кўкариб чиққанини эсламасди.

Унинг хаёлларини ҳамширанинг товуши бўлиб юборди:

— Домла, оғир бемор олиб келишди.

Абсаломовни маҳзун хаёллар шу заҳоти тарк этди. У, таъбир жоиз бўлса, жанговар ҳолатга кирди. Тез-тез юриб бемор ётган хонага йўл олди.

— Операция қилиш керак. Зудлик билан. — Абсаломовнинг овози темирдек жаранглади, — йўқса кеч бўлади.

Ҳамширалар оёққа турди. Абсаломов ҳар бир беморга жонини бергудек бўлишини улар жуда яхши билишарди. Анчайин дилбар, кўнгилчан профессор жарроҳлик муолажасига келиб тақалганида имиллашни ёқтирмасди. Ёқтирмасди эмас, кечирмасди.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Абсаломов бутун диққат-эътиборини жалб этиб, ишларди. Бир томонда ажал, бир томонда жарроҳ, ўртада бемор. Жарроҳ ҳар бир ҳаракати билан бемор умрига умр қўшишга интиларди.

Ниҳоят операция тугади.

— Бир юз учинчиси, — деди ҳамшира чўзиб...

— Нима? — деди Абсаломов қўлларини юваркан паришон.

— Бир юз уч марта ғолиб чиқдингиз, — деди ҳамшира эҳтиром билан.

— Ҳа-а, —деди профессор, —вазифамиз... Абсаломов ҳорғинлик билан юмшоқ ўриндиққа чўкди. Кўзларини юмди. Назарида дам олмага ўхшаб гуллармиш, дам сочлари мажнунтол новдаларидек ямяшил бўлиб қолармиш. Кўзини очганида ботаётган қуёшнинг алвон нурлари унинг хонаси деразасида жилваланарди.

Абсаломов ўрнидан турди. Вужудида ажиб енгиллик туйди. Шифохона йўлагида ойнадан ташқарига қараб турган ҳамширадан сўради:

— Бемор қандай?

— Аҳволи яхши, — деди ҳамшира, —онасининг ёлғиз фарзанди экан. Бечора кампир қандай қилиб сизни рози қилишни билмай йиғлагани-йиғлаган. Ҳеч кимни она қилиб яратмасин экан...

Абсаломов ҳамширанинг сўзларига кулиб қўйди: «Она бўлмаса биз қаёқдан келардик дунёга, жиннивой».

Гўзалликка ташна кўзлари эса олис уфқларга қадалганди.

— Қани энди мангу яшасанг!

Одатда шунақа бўлади. Одам лаҳзани кўради, лекин абадиятни излаб ўтади. Бир юз уч марта ажал билан олишувда ғолиб чиққан Абсаломов бир юз уч юракка абадийлик ниҳолини экканини сира ўйламасдик.

Ғолиб МИРЗО.

Билса ҳазил...

МЕНИ ҲАМ ТУШУНИНГЛАР

Тўғри, уни ҳам тушуниш керак. Унга-да қийин. Лекин бизни ким тушунсин? Бизга ҳам қийин. Ахир, алдаш ва алданиш осон эмаску.

Келинг, яхшиси гапни ҳадеб қовуннинг қоқисини бурагандек айлантиравермасдан Унинг ва Менинг кечираётган бир кунимиздан кичкинагина ҳикоя айтиб бера қолай:

УЙДА

У: Дўстим, хорижга бир бориб келиш керак-да, уларнинг яшаш, ишлаш ва дам олиш тарзларининг ўзи бир олам. Ҳа, ҳақиқий ҳаёт ўша томонларда.

Мен: Қани энди, муллажирингдан бир ҳовучи бўлса-ю, бир бош эгнимга ул-бул олсам. Яна бир ҳовуч топганимда йўлкирага ишлатсам. Кейин икки ҳовучлик муллажиринг учун ишласам-да, би-и-ир ма-а-азза қилиб ўйнаб келсам. Сочимни оқаргани-ю қўлимни қаваргани алам қилмасди, шунда...

ИШДА

У: — Йўқ, етар энди, қачонгача ҳавас қилиб яшаймиз? Ўзимизда-ку, жаннатнинг зўри. Боғми, тоғми, далаю дара ҳаммаси бор. Яна нима керак, ахир? Хориждагилар бизга ҳавас қилишсин: пахтамизга, қовун-тарвузимизга, сувларимизга. Хуллас, етар.

Мен: ... Ах-х-хир, кеча бошқачароқ...

У: Йўқ-йўқ-йўқ, кеча у кеча. Бугун биз кечагидан кўра илғорроқ бўлишимиз зарур. Бугун биз кечаги гаплар билан ишлай олмаймиз. Тарихга бир назар ташланг, ўсиш, улғайиш, онгнинг юксалиши орқали кечанинг гапи бугунга тўғри келмайди.

УЙДА

Мен: Бугун ўқиган маърузангиздан мен жуда таъсирландим. Мана энди ўйлаб қарасам, сиз мутлақо ҳақ экансиз. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади, дейишади. Сиз менга энг маъқул йўлни кўрсатдингиз. Раҳмат, сизга. Чет элга олган йўланмамни ҳам эртагаёқ бориб топшираман.

У: Вой-й, нима ахмоқмисиз? Нега топширасиз? Менга бера қолинг, унда. Ўзим бориб ўйнаб келардим. Сизга ҳам ул-бул нарса олиб келарман. Қаерга эди? Э-э, ҳа, Франсага денг. Мазза қиларканман-да, а? Ҳа, нега бўзрайиб турибсиз? Нима, ман одаммасманми? Биззиям ўзимизга яраша орзу-умидларимиз, ҳавасларимиз бор.

Ҳа энди, сизам гапни кавлайверманг-да. Кўчанинг гапи уйга тўғри келармиди?

Мирза РАҲИМ.

Рўзғорда асқотади

АГАР...

Сиз истиқомат қиладиган уйлар жуда намиқиб кетган бўлса, сира ташвишланманг. Хонадаги намликни оддий усул билан йўқотса бўлади. Матодан кичик-кичик халтачалар тикинг-да, ҳар бирининг ичига ярим стакандан бўр солинг. Халтачаларни хонанинг энг нам жойларига осиб қўясиз. Бўр намликни тортиб олиб, хона ҳавоси мўътадиллашади.

***

Суюқ дорили ампулани ҳар доим ҳам эҳтиёткорона синдириш мумкин, деб бўлмайди. Унинг ингичка тарафини катта тугма тешигига киргизиб синдирсангиз, ампула тез ва соз синади.

***

Тугма қадаётганда ипга тирноққа суриладиган рангсиз лакдан озгина теккизиб юборсангиз, тугмача қанча пайтгача узилиб тушмайди.

***

Бирон қутини боғламоқчи бўлсангиз, яхшиси хўлроқ арқон билан боғлаганингиз маъқул. Хўл арқон осон боғланади ва қуригандан кейин ечилиб кетмайди.

***

Хонадаги ҳароратни 2-3 даражага оширмоқчи бўлсангиз, батареяга алюминли зарқоғоздан жойлаштириб қўйсангиз кифоя.

***

Ювиниш хонасидаги кўзгу иссиқ таъсирида хўлланиб қолмасин десангиз, уни глицерин ёки шампунга ботириб олинган губка билан артинг. Кейин кўзгуни қуп-қуруқ қилиб артиб ташланг.

***

Музхонадаги нохуш ҳидни йўқотмоқчимисиз? Унда писта кўмир сув солинган идишни музхонага қўйинг. Ҳид тезда йўқолади.

***

Гилам ёки палос полда сирпанмаслиги учун унинг орқа тарафига резина тикиб қўйинг. Агар палоснинг бир чети юқорига кўтарилиб қолаверса, унинг орқа тарафига оғир қармоқтошни матоли тасмага ўраб тикиб қўйинг.

***

Палосга туширилган доғни хўллаб артишга шошилманг. Сув ва крахмалдан бўтқа тайёрлаб, доғ устига яхшилаб суртинг. Аралашма қотиб қолгач, уни аста қириб ташланг.

***

Кимёвий толалардан тўқилган юпқа пайпоқларни махсус халтачага солиб ювсангиз уларни йиртилишининг, турли тугунчалар пайдо бўлишининг ҳамда ҳар хил тола ва иплар ёпишиб қолишининг олдини олган бўласиз.

Назокат УСМОНОВА тайёрлади.

Сен гулларга, гуллар сенга маҳлиёдир, эй гўзал.

Абдусаттор Тўраев олган сурат.

САВОЛ СИЗДАН — ЖАВОБ БИЗДАН

ВАҚТИДА ЁЗУВНИ ЎРГАНИБ

Энг сермаҳсул адиб ким?

Зулфия МИРАҲМЕДОВА, толиба.

Александр Дюма 229 томлик асарлар ёзган. Лекин Гиннеснинг рекордлар китобида польшалик Йозеф Кражевский(1812-1887)нинг номи ёзилган. У ўзидан 600 томлик мерос қолдирган. Кўп асар ёзишда «ре-кордчи»лар орасида бундан 22 йил аввал қазо қилган Мери Фолкнернинг ҳам номи бор. У 904 та роман ёзган. Романлари ўзининг, икки эрининг ҳамда саккиз тахаллуси остида босилиб чиққан.

Сермаҳсулликда 1235 йилда Пальма ва Майорка шаҳрида туғилган Раймунд Люлининг олдига тушадигани бўлмаса керак. Бу кишби 30 йил мутлақо савод нималигини билмаган, бой бўлгани учун тараллабедод ҳаёт кечирган. 30 ёшида қулўқитувчилар сотиб олиб, илм олишга киришган. «Инквизиция тарихи»да ёзилишича унинг қаламига мансуб 3000 асар бор экан! Бу асарларнинг кўпчилиги Европадаги университетларда ўқиб-ўрганилган. Адибнинг кўплаб асарлари йўқолиб кетган, эсон-омон бизгача етиб келганлари, омон қолганлари эса 321 та экан. Улар орасида педагогика, мантиқ, фалсафа, илми ғайб, ҳандаса, ҳуқуқ, диний шеърият, кимёга бағишланганлари жуда ҳам кўп.

ЯНГИ ТИЛ КАШФИЁТЧИСИ

Венгрияда янги тил кашф этилибди. Шу ростми?

Ҳусниддин БОБОЕВ, фахрий.

Рост. Венгриялик тилшунос Золтан Мадьёр янги халқаро тил кашф этиб, уни романид деб атади. Янги тил турли мамлакатларнинг одамлари ўзаро муносабатларида кўп қўлланиладиган сўзлардан, белгилардан ташкил топган. Унинг асосини испан, итальян, португал ва француз тиллари ташкил этади. «Ажойибот ва саргузаштлар» журналининг ёзишича, янги тилни яратиш учун 20 йил кетди. Лекин у кун сайин машҳур бўлиб, оммалашиб кетяпти. Унинг бунчалар тез тарқалишида Будапешт шаҳридаги сайёҳлик фирмасининг хизмати катта. Фирма ходимлари венгер тили ўрганишга оғир тиллигини таъкидлаб, халқаро «романид» тилини бир ҳафтада ўрганиш мумкинлигини айтмоқдалар. Бу ҳатто эсперантодан ҳам тез ўрганилади, деган гап. Венгер тили қадимги хунлар тили эканлигини эсласак, уни ўрганиш унчалик қийинчилик туғдирмайди. Ҳамма ҳам осонини кўзлайди-да.

ИНСОН ОЕҒИ ЕТМАГАН

Дунёдаги энг баланд чўққилардан бири ҳисобланган Анд чўққисига чиқиб бўлмас эмиш. Нима сабабдан шунақа?

Носир БЎРИЕВ, ишчи.

Бунинг сабаби ҳали аниқланмаган. Номаълум белгиларга кўра у ерга етмасданоқ альпинистларнинг юраклари қаттиқ ура бошлайди. Ҳатто кислород етказиб берувчи ниқобларда бўлишса ҳам бўғила бошлайдилар. Одамларнинг кўзларига ҳар хил нарсалар кўринаверади, ҳатто хушларидан ҳам кетиб қоладилар. Пастга тушиш истаги ҳам йўқолади. «Чўққининг ён бағирларида,— деб ёзади «Ажойибот ва саргузаштлар» журнали,— жуда ҳам яхши жиҳозланган экспедициялар бедарак йўқолиб қолган».

Яқиндагина уч америкалик спортчи чўққини забт этиб, оғир касалга йўлиқиб, бир умр ногирон бўлиб қолдилар. Польшалик альпинистлар эса оёқ-қўллари қалтироқ бўлиб қолганини ҳаяжон билан ҳикоя қиладилар.

Хуллас, Анд сирли тоғ экан. Олимлар барча зарур аслаҳа-анжомлар билан 6960 метр баландликка кўтарилишга, бу сирларни очишга бел боғлашибди. Худо асраб, эсон-омон қайтиб тушишса, жумбоқлар ечилса ажаб эмас.

Толиб САЪДУЛЛАЕВ тайёрлади.

«ШАРҚ»ҚА ТЕНГЛАР ЙЎҚ

Мана, бу йил учинчи марта матбуот, радио ва телевидение ходимлари ўртасида мини-футбол бўйича ўтказилган анъанавий турнир ниҳоясига етди.

16 ижодий жамоа иштирок этган ушбу мусобақада «Шарқ» матбуот концерни командасига тенг келадиганлар топилмади. «Шарқ»чилар жами 5 учрашув ўтказиб, барчасида ғалаба нашидасини сурдилар.

Улар финалда «Молодёж Узбекистана ва бошқалар» командаси билан майдонга тушиб, 8:7 ҳисобида устун келдилар. Бу билан команда ўтган йилги муваффақиятини такрорлади. «Шарқ» ўтган йилги турнирда расман иштирок этмаган бўлса-да, ижодкорлардан иборат терма жамоани 8:2 ҳисобида доғда қолдирган эди.

Қодиржон ҚАЮМОВ.

«02» хабар беради

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

● 19 март куни соат 14 да Юнусобод даҳасидаги хонадонларнинг бирида қасддан ўлдирилганлик аломатлари деярли сезилмаган аёл кишининг мурдаси топилди. Бироқ суд-тиббиёт экспертларининг хулосасига кўра ўлим бош мия қобиғи ичига қон қуйилиши, яъни жароҳатланиш туфайли юз берганлиги аниқланди. Жиноят-қидирув бўлими ходимларининг сайъ-ҳаракатлари натижасида қотил — ҳеч қаерда ишламайдиган ва илгари ҳам одам ўлдирганлиги учун судланган кимса ушланди.

● Соат 21 дан 30 дақиқа ўтганида «Турон» ресторани атрофида милиция ходимлари томонидан В.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг икки ишчиси ушланди. Гап шундаки, улар «Мерседес» автомашинаси кузовидаги қулфни бузиб, ҳайдовчини яхшилаб дўппослашган ва машинадаги пул ва мол-маҳсулотларни беришларини талаб қилишган. Энди зўравонлар қилмишларига яраша жазо олишади.

● 20 март куни соат 10 да Дилхуш кўчасида ҳеч қаерда ишламайдиган йигирма икки ёшли йигит «ВАЗ-2103» русумли машинани бошқарар экан қасддан йигирма ёшли қизни уриб кетган. Жабрланувчи оёғи синган ҳолда кўплаб бошқа жароҳатлар олиб касалхонага ётқизилган. Жиноятчини ушлаш чоралари кўрилди. Прокуратура томонидан қасддан одам ўлдиришга уриниш бўйича жиноий иш очилди.

● Соат 12 да «Агро» кичик корхонаси ҳудудидан номаълум кимса экскаватор заводига тегишли бўлган «КАВЗ» русумли автобусни ўғирлаганлиги тўғрисида хабар қилишган. Давлат автомобиль назорати хизмати, нозирининг ўз вақтида кўрган чора-тадбирлари натижасида Новомосковск кўчасида юқоридаги автобусда ўғри — маст ҳолдаги ҳеч қаерда ишламайдиган йигитча ушланди.

● Соат 14 дан 46 дақиқа ўтганида берилган хабарда айтилишича, соат 12 да 2-қурилиштаъмирлаш бошқармасининг газ пайвандчиси ўз хонадонида спиртли ичимликларни ичиш натижасида ўртада чиққан жанжал туфайли нафақадор бўлган хотинини тоза дўппослаган, сўнг бўғиб ўлдирган. Ҳозир зўравон эр устидан тергов ҳаракатлари кетмоқда.

● 21 март куни соат 19 да Москва тўқимачилик институтининг 1-курс талабаси ўз уйида онаси билан жанжаллашиб қолиб, волидасининг қорнига чўқур пичоқ жароҳати етказган. Жабрланувчи 17-шаҳар клиник касалхонасига ётқизилди. Ноқобил фарзанд ҳибсга олинди.

● 22 март куни соат 00 да номаълум кимса Юнусобод даҳаси, 3-мавзедаги уйлардан бирининг йўлаги олдида турган «ВАЗ-2106» русумли автомашинани ўғирлаб кетгани тўғрисида ички ишлар идораларига хабар беришди. Тартиб посбонларининг ҳали «излар босилмасдан» туриб амалга оширган чора-тадбирлари натижасида жиноятчи бўлмиш хусусий новвойхонанинг новвойи қўлга олинди.

● Жиноят-қидирув хизмати ходимлари томонидан махсус тезкор тадбирлар ўтказилаётган вақтда Самарқанд вилоятидан келган икки нафар иш жойининг тайини йўқ фуқаро ҳамда Тошкентдаги дўкон сотувчиси ёнидан бир килограммдан ортиқ марихуана гиёвандлик моддаси чиққани учун ушланди.

● Соат 14 да 1-синф ўқувчиси ўз ҳовлисида сифон билан тўлдиришга мўлжалланган газ баллончасини ўйнаётганида ногаҳон баллонча унинг қўлида портлаб кетган. Натижада бола калла суягининг очиқ жароҳати билан 2-Республика клиник касалхонасининг реанимация бўлимига оғир аҳволда ётқизилди.

● Қўриқлаш бўлими милиция ходимлари томонидан Жарқўрғон қўчасида жойлашган ёғ-мой комбинати ҳудудидан 20 килограмм пахта ёғини ўғирлаган иш жойининг тайини йўқ фуқаро ушланди.

● Соат 16 да берилган хабарда айтилишича, кундузи номаълум кимса «Тошкент тўқимачилик комбинати» ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг кийим алмаштириш хонасидан корхона ишчисига тегишли бўлган 1990 Қозоғистон тангаси ва сариқ металлдан ишланган узукни ўғирлаган. Қўриқлаш бўлими милиция ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан ўғри ишчининг бригадири қўлга олинди. Ўғирланган нарсалар эгасига қайтарилди.

● 24 март соат 20 дан 25 дақиқа ўтганида Чоштепа кўчасида 3-автокомбинат ҳайдовчиси «ГАЗ-53» русумли машинани маст ҳолда бошқариб бораётиб, «ГАЗ-2401» машина билан тўқнашиб кетган. Натижада енгил машинада кетаётган беш ёшли бола 16-касалхонага элтиш чоғида йўлда жон берди. ГАЗ-53 ҳайдовчиси йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган жойдан қочиш пайида тушганида соат 20 дан 45 дақиқа ўтганида ДАНБ йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан ушланди.

● Тошкент шаҳар ИИББ жиноят-қидирув бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган текширув пайтида Чилонзор даҳаси, 17-мавзедаги машиналарни сақлаш жойидаги ҳеч қаерда ишламайдиган, илгари судланган фуқаронинг гаражидан 983 грамм марихуана гиёвандлик моддаси ва «ИЖ-17» қирқма ов милтиғи топилди ва мусодара қилинди.

● 25 март куни пойтахт милицияси жиноят-қидирув хизмати ходимлари томонидан ҳеч қаерда ишламайдиган кимса қинғирлиги учун қўлга олинди. Гап шундаки у ижарага олиш баҳонасида КамАЗ русумли автомашинани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, уни Андижон шаҳар фуқаросига пуллаб юборган экан.

● Соат 22 дан 30 дақиқа ўтганида берилган хабарда айтилишича, кечки пайт она ўз қизи билан буваларникида меҳмонда бўлишган. Иттифоқо ўша пайтда ушбу хонадонга уч ёшли Дима исмли ўғиллари билан узоқ қариндошлари ҳам меҳмонга келишган. Болалар алоҳида хонада ўйнаётганларида каравот тагидан «Тоз-63 К16» ов милтиғини топиб олишган. Қаровсизлик натижасида милтиқ отилиб кетиб, ўқ қизчанинг оёғига теккан. Қиз касалхонага ётқизилган. Маълум бўлишича, милтиқ рўйхатга олинмаган экан.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг матбуот хизмати.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА 14 АПРЕЛЬ СОАТ 18.00 ДА

«БАҲОР МАНГУ ҚОЛАР»

ДЕБ НОМЛАНГАН ёш хонандалар

Ровшанбек МАТЁҚУБОВ, Фарҳод ДАВЛАТОВ, Азамат ОТАЖОНОВ,

Отабек СОБИРОВ, Искандер ХЎЖАЕВ; Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист РАҲМАТЖОН ҚУРБОНОВ иштирокида

К. Отаниёзов номидаги «Лазги» ашула ва рақс ансамблининг

КОНЦЕРТИ.

Чипталар Халқлар Дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан сотилмоқда.

Телефонлар: 33-73-10, 33-37-69.

«СУВСОЗ» ТРЕСТИ

сув ўтказгич тармоқларида таъмирлаш ишларини бажариш ва 1995 йил ёз мавсумига тайёрлаш муносабати билан истеъмолчиларга қуйидагиларни

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

17 апрель соат 9.00 дан 18 апрель соат 9.00 гача

С. РАҲИМОВ ТУМАНИДА Қорақамиш — 2, 3, 2/4, 1/3, 2/1, 1/4 мавзеларида, Шумилов станциясида, Чуқурсой, Сағбон кўчалари ва унга туташ кўчаларда СУВ БОСИМИ ПАСАЯДИ.

С. РАҲИМОВ ТУМАНИДА — Иброҳим Ота, «Янги Тошкент» маҳаллаларида, Иброҳим Ота, Дадабоев кўчалари ва унга туташ кўчаларда — СУВ БЎЛМАЙДИ.

18 апрель соат 9.00 дан 19 апрель соат 9.00 гача

АКМАЛ ИКРОМОВ ТУМАНИДА — «Катта Қаъни», «Қизил Шарқ» маҳаллаларида, 11, 12 даҳалардаги 65, 66, 49«а», 50«а», 51, 52-уйларда — СУВ БОСИМИ ПАСАЯДИ.

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДА — У. Носир, Стахановчилар, П. Ковтун кўчаларида ва Чилонзор туманида — СУВ БОСИМИ УМУМАН ПАСАЯДИ.

А. ИКРОМОВ ТУМАНИДА — 25-мавзедаги 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33-уйларда, 22-мавзедаги 3, 4, 5, 6, 8-уйларда ва Подмосковная, Сегизбоев кўчаларида — СУВ БЎЛМАЙДИ.

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДА — Глинка, Леваневский, Бобоев, Баҳодир кўчаларида ва унга туташ кўчаларда — СУВ БЎЛМАЙДИ.

19 апрель соат 9.00 дан 20 апрель соат 9.00 гача

МИРОБОД ТУМАНИДА — СУВ БОСИМИ УМУМАН ПАСАЯДИ.

СИРҒАЛИ ТУМАНИДА — СУВ БОСИМИ ҚИСМАН ПАСАЯДИ.

МИРОБОД ТУМАНИ — Червяков, Першин, Союзная, Фитрат кўчалари чегарасида, Шумилов шаҳарчасида, Фитрат ва Гайдар мавзеларида — СУВ БЎЛМАЙДИ.

20 апрель соат 9.00 дан 21 апрель соат 9.00 гача

С. РАҲИМОВ, А. ИКРОМОВ ТУМАНЛАРИДА — СУВ БОСИМИ УМУМАН ПАСАЯДИ.

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДА — СУВ БОСИМИ ҚИСМАН ПАСАЯДИ.

ЮНУСОБОД ТУМАНИДА — Абдуллаев номли жамоа хўжалигида — СУВ БЎЛМАЙДИ.

Сув бўлмайдиган жойларга махсус сув ташувчи автомашиналар юборилади.

Телефонлар: 33-15-95, 33-75-95, 56-60-06.

60, 61, 62, 63, 64, 65, 66, 67, 68-АТСларнинг

АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Мирзо Улуғбек тумани телефон тармоғи маъмурияти Сиздан телефондан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлашингизни ҳамда қарзингизни зудлик билан

ЎЗИШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.

Йилнинг биринчи чораги учун пул келиб тушмаган тақдирда, телефон узиб қўйилади, абонемент тугатилади.

Бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикасида маҳаллий телефон алоқасидан фойдаланиш қоидаларидан бир бандини эслатиб ўтамиз. «Бошқа шахсга очилган абонемент бўйича ҳақ тўлаб, телефондан фойдаланилса, алоқа корхонаси раҳбарияти абонементни ёпиб қўяди». Ушбу муносабат билан шундай йўл билан телефондан фойдаланиб келаётган шахслардан, уни ўз номига ўтказиш учун ариза билан абонентлик бўлимига мурожаат қилишларини таклиф қилади.

Алоқа тармоғининг абонентлик бўлими ва кирим кассаси 62-АТСда, Н. Ҳожибоев (Морозов) кўчаси, 45-уйда жойлашган ва чоршанба, якшанбадан ташқари ҳар куни ишлайди.

Маълумот учун телефонлар:

Маҳаллий сўзлашувлар учун ҳисоб-китоб — 62-36-36,

Халқаро сўзлашувлар учун ҳисоб-китоб — 62-36-37,

Абонентлик бўлими бўйича — 62-15-70.

В. А. БУГАЕВ НОМИДАГИ ЎРТА ОСИЁ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИГА ДАВЛАТ ҚАРАМОҒИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРДА КАМИДА 3 (УЧ) ЙИЛ ИШЛАГАН, тажрибали бош бухгалтер

КЕРАК

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент-52, Обсерватория кўчаси, 72. Телефонлар: 33-43-49, 35-44-61, 35-83-50.

Тошкент вилояти, Тошкент туманидаги «Аму» фирмаси шохобчасининг йўқолган ДУМАЛОҚ МУҲРИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент оқшоми

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхат сони ~ 10.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: хатлар ~ 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича ~ 56-54-68, 32-56-66.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки "Тошкент почтаси" шаҳар почта корхонасининг фойдаланиш бўлимига ~ 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳажми ~ 2 босма табоқ. Офсет усулда чоп этилади. Қоғоз бичими - А-2. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи - 64690.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Душанба, чоршанба ва жума куплари чиқади. Буюртма Г—0150 •Босмага бериш вақти 11:30. 1 2 3 4 5 6.